БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 1 сентябрь Шанба

№ 166 (13.602). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Бугун—Билимлар куни



Бугун — 1 сентябрь. Жумҳуриятимиз барча ўқув даргоҳларида биринчи қўнғироқ жаранглаб, Янги ўқув йили бошланганидан дарак беради.

В. И. Ленин номли Тошкент педагогика билим юрти талабалари учун сентябрь тонги ўзгача.

— Билим юртимизда 1500 дан ортиқ талаба таҳсил олади,— дейди илм даргоҳи директори Минавара Юсуповна Исмоилова. — Шулардан 90 нафари Янги ўқув йилидан бошлаб махсус гуруҳлар — коллежда ўқий бошлайди. Бу албатта, тажриба. Улар олий ўқув юрти дастури асосида ўқитилади. Талабалар тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлганларидан сўнг, Тошкент давлат педагогика олийгоҳига суҳбат орқали қабул қилинади. У ерда улар бор-йўғи 2 йил таълим олишади ва тегишли мутахассислик бўйича дипломга эга бўладилар. Билим юрти пойтахт педагогика олийгоҳи оталиғида. Коллеж талабаларига сабоқ беришга олийгоҳнинг иқтидорли домлалари таклиф этилган.

Пойтахтдаги мазкур билим юрти Иттифоқимиздаги тажриба тариқасида синалаётган 13 та педагогика даргоҳининг биридир.

СУРАТДА: коллежнинг 1-курс талабалари она тили ва адабиёти ўқитувчиси Марҳамат Ғуломова билан.

Сураткаш А. МАМАДАМИНОВ.

СИЗ БУНИ БИЛАСИЗ...МИ?

«Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисида» Қонун қабул қилингунга қадар ўзбек мактабида ўзбек тили ва адабиётига ҳаммаси бўлиб 2.346 соат, рус тили ва адабиётига 1.598 соат; рус мактабида рус тили ва адабиётига ҳаммаси бўлиб 2.754 соат, ўзбек тили ва адабиётига 544 соат ажратилганди. Қонун қабул қилингандан сўнг ўзбек мактабида ўзбек тили ва адабиётига 2.720 соат, рус тили ва адабиётига 1.258 соат; рус мактабида рус тили ва адабиётига 2.720 соат, ўзбек тили ва адабиётига 884 соат ажратилди.

Ҳолбуки СССР Халқ таълими Давлат қўмитаси томонидан мамлакатнинг миллий мактабларида рус тилини ўрганиш 918 соат ҳажмида тавсия этилган. Ўзбекистон ССРда миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус тилини ўрганиш муҳимлигини инобатга олиб, бу кўрсаткич ҳозирги пайтда 340 соатга кўпайтирилган ва келгусида қисқартириш кўзда тутилмайди.

(Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларининг август кенгашидан).

ЯНГИ БЎЛИМ ОЧИЛДИ

Ниҳоят, чимкентлик ўзбекларнинг кўп йиллик орзулари ушалди. Сентябрь ойидан бошлаб Чимкент педагогика институтида 25 нафар ўзбек йигит ва қизлари билим ола бошлайди.

Яқинда Қозоғистон жумҳуриятида Халқ маорифи ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб, унда Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазири Комил Юсупов, Т. Н. Қори-Ниёзий номли педагогика фанлари илмий-текшириш институти директори, профессор Қодир Фозилхўжаев ва бошқа олимлар, педагоглар қатнашишган эди. Кенгаш сўнггида ўзбекистонлик вакиллар Қозоғистон жумҳурияти Халқ таълими вазирлигига мурожаат этиб, икки қардош халқ орасидаги маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни янада жонлантириш учун Чимкент педагогика институтида ўзбек тилида ўқитиладиган бўлим очишни таклиф қилишди. Маълумки, ўзаро шартномалар асосида Ўзбекистондаги бир қатор олий юртларида қозоқ тилида ўқитиладиган бўлимлар мавжуд.

Кенгашдан сўнг худди шу масала юзасидан Ўзбекистонда қозоқ, Қозоғистонда ўзбек бўлимлари очиш ташаббускорларидан бири, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Шилим Қуримбоев Чимкентда бўлиб қайтди.

— Бу тадбир қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг маданий-марифий соҳалардаги ҳамкорлигининг амалий натижаси бўлиб, шубҳасиз, икки халқнинг янада биродарлашувига хизмат қилади, — дейди Ш. Қуримбоев. — Мен институтимиз номидан йўлланган расмий мактуб бўйича Чимкент педагогика институтининг ректори, профессор А. Омаров ва вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи С. Қалғинбоевларга учрашдим. Биз ташкилий масалалар ҳусусида ҳам келишиб олдик. Институтимиз қошида очилган хўжалик ҳисобидаги бўлим янги очилаётган ўзбек тили бўлимини ўқув-методик қўлланмалар, адабиётлар тайёрлаш ва нашр қилиб бериш, малакали педагог-методистлар ва бошқа фанлар бўйича олимлар билан таъминлашни зиммасига олмоқда. Ҳозирча 30400 сўмлик ўзбек, қозоқ ва рус тилларидаги китобларга буюртма олдик. Чимкент вилоятида ўзбек тилида дарслар олиб бориладиган 132 та мактаб бўлса, шундан 70 таси соф ўзбек мактабларидир. Бу мактабларда 59532 нафар ўқувчи билим олади. Эндиликда ўзбек мактабларидаги дарсликлар ва миллий кадрлар борасидаги муаммолар ҳам ҳал этилади, деб ўйлаймиз.

М. МАМАТҚУЛОВ.

ЭРТАМИЗНИ ЎЙЛАСАК...

Балки, янги ўқув йили бошида бу гапларни айтиш ўринли эмасдир. Лекин ҳозир айтмасак, қачон айтамиз! Мақсадимиз, Куйбишев ноҳиясидаги 2-мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш корхонасида дарслар ва амалий машғулотлар ўзбек тилида ўтилсин. Чунки, ўқувчиларнинг ярми, эҳтимол ундан ҳам кўпроғи, ўзбек бўла туриб, бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлиб яшаш кишига алам қилар экан.

Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, йил бўйи ўқув ишлаб чиқариш корхонасида рус тилида ўқиб, кейин уни битиргач, бирданига ўзбек тилида иш юритиш қийинчилик туғдирмайдими бизга! Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач ҳам ҳеч нарса ўзгармагани бизни ажаблантирмоқда. Миллий кадрларни тайёрлаш ҳақида гапириляптию (миллий кадрлар йўқ ёки етишмаяпти), лекин амалда бунинг акси бўлмаяптими! Наҳотки, ўзбекча дарс берадиган ўқитувчиларни топиш, ёки жалб қилиш шунчалар қийин! Бу аҳволда эртага аҳволимиз не кечади!

Лобар ТОШҚЎЗИЕВА,
Гулчеҳра ЮСУПОВА,
Тошкент шаҳридаги 248-мактаб ўқувчилари.

Пахта йиғим-терими бўсағасида

Жумҳурият Вазирлар Кенгаши Президиумининг мажлисида пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги муҳокама қилинди.

Деҳқонларнинг айтишларича, бу йил ҳосилнинг чўғи яхши. Ҳар туп ғўзада ўтган йилдагига нисбатан бир-икки кўсак кўпроқ етилмоқда, ғўзанинг ривожи кечикмади. Мутахассислар 4,9—5 миллион тонна ялпи ҳосил етиштирилишига эришиш мумкин, деб ишонтирмоқдалар. Бу йилги қулай шароит ҳосилнинг камида 60 фоизини машинада териб олишга имкон беради. Гурлан, Қува, Бувайда, Оққўрғон ноҳияларидаги айрим хўжаликлар пахтани қўлда теришни бошлаб юборди, Термиз, Бухоро, Қарши ноҳияларидаги айрим хўжаликлар эса пайкалларни танлаб, ғўза баргини тўктиришга киришдилар.

Йиғим-терим мавсуми бўсағасидаги қувончли истиқболлар кейинчалик ёғингарчилик ва совуқ тушганда ҳам давом этадиган ишга айланиб кетишини ўтган йиллар тажрибасидан биламиз. Фаразлар бошқа-ю, йиғим-терим бошқа. Фақат пухта тайёргарлик кўрилсагина мавсумнинг тўхтовсиз ва аниқ ўтишига кафолат берилади.

Шунинг учун ҳам жумҳурият ҳукумати хўжаликлар ғўза баргини тўктиришга, пахтани машина билан териб олишга қандай тайёргарлик кўрганини пухта таҳлил қилди.

Ғўза баргини тўктиришга доир барча тайёргарлик ишлари ғоят қисқа муддатда, 10—12 кун ичида, сентябрнинг биринчи ярмида тугалланиши керак. Бу куннинг вазифаси ана шундай. Ғўза баргини тўктириш учун магний хлорати ва кальций хлорат-хлориди ишлатилади. ГФЖдан унча заҳарли бўлмаган дори — дропп сотиб олинди.

Дефолиантлар ғўза баргини тўктириш учун такрорий ишлов беришни ҳам ҳисобга олиб, етарли миқдорда келтириб қўйилди. Бироқ, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон хўжаликларида уларни чанглатиб сепиш учун ерда ишлатиладиган аппаратлар далага олиб чиқиш учун ҳали тўла тайёр қилинган эмас. Жиззах, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида ва Қорақалпоғистонда дефолиантлар эритмасини марказлаштирилган тартибда тайёрлаб берадиган пунктларни тайёрлашда ҳам кечикилмоқда. Бунинг сабаби моддий-техника таъминотининг ёмонлигидадир. «Андижанец» насослари, бу насосларнинг жиҳозлари, бочкалар, респираторлар етишмаяпти.

Далаларнинг бир қисмида ғўза баргини дорини тайёралар ёрдамида сепиш йўли билан тўктириш режалаштирилган. Айрим раҳбарлар бу усулни мақбул кўрмаётганликлари маълум. Улар тайёрадан фойдаланиш қимматга тушаётганлигини ҳам, атроф муҳитга зарар етказишини ҳам пеш қилмоқдалар. Бу гапларнинг бир қисми ҳақиқат. Аммо ҳозирча ғўза баргини тўктиришнинг бошқа усули кашф қилинмаган, мутлақо соф дефолиантлар ҳам йўқ. Ҳозиргилари ҳам оз бўлсада заҳарлидир. Ҳақиқат ҳисобга олиниб, Фарғона водийсининг аҳоли зич жойлашган қисмида дефолиация ўтказишда тайёраларни қўлланиш мутлақо мумкин бўлмаса, қўриқ ерларда бу ишни бажариш учун тайёралар ва вертолётлардан ҳеч қандай зиён-заҳматсиз фойдаланиш мумкин. Аммо Қашқадарё ва Сурхондарёда экипажларни қабул қилиб олишга шошилишмаяпти — бу вилоятларда ҳамма қўналғалар ҳам фойдаланиш учун тайёр эмас.

Мажлисда пахта териш техникасидан фойдаланиш муаммосига алоҳида эътибор берилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир машина билан 44 гектар ердан 91 тонна пахта териб олинса, биринчи теримни 11—14 иш кунида, иккинчи теримни 10—12 кунда тугаллаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу ишни бир ойдан камроқ вақт ичида тугалласа бўлади.

Сўнгги вақтда йиғим-терим техникаси муайян даражада камчил бўлиб қолганига қарамай, жумҳурият хўжаликларида 28 августга қадар 2000 машина ишга тайёр қилинган эмас. Айниқса, Сирдарё вилояти орқада қолмоқда. Андижон, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳам иш ўтган йилдагига нисбатан ёмонроқ бормоқда. Бу вилоятларда кўрак териш ва кўрак чувиш машиналари ремонти кечикяпти. Жиззах, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида пахта заводлари ва пахта тайёрлаш пунктларини ремонтдан чиқариш ва тайёрлаш тугалланмаган.

Вазирлар кенгаши бу камчиликларнинг ҳаммаси вилоятлар, ноҳиялар, хўжаликлар айрим раҳбарларининг йиғим-терим мавсумига ўз вақтида тайёргарлик кўриш масалаларига етарли эътибор бермаганлиги, моддий-техника таъминоти яхши ташкил этилмаганлиги натижасидир, деб таъкидлади. Жумҳурият қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети (Размаев, Короткий ўртоқлар), Сирдарё (ўртоқ Маҳмудов), Жиззах (ўртоқ Олимов), Қашқадарё (ўртоқ Хидиров), Сурхондарё (ўртоқ Менглиев), Тошкент (ўртоқ Сайдалиев) вилоят ижроия қўмиталарининг бу соҳадаги ишлари етарли эмас, деб ҳисобланди.

Давлат Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш қўмитаси (ўртоқ Мўминов)га қишлоқ хўжалигини бутун йиғим-терим мавсуми давомида ёнилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш, жумҳурият Давлат моддий-техника таъминоти қўмитасига ва Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив қўмитасига, «Машхлопок», «Чирчикхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда жумҳурият ҳудудида жойлашган ва қишлоқ хўжалигига ресурслар етказиб берувчи бошқа бирлашмалар ва заводларга машиналар ва ускуналарни, эҳтиёт қисмларни, материалларни маҳсулот етказиб бериш режаларида белгиланган ҳажм ва миқдорда етказиб беришни таъминлаш топширилди. Шу билан бир вақтда «Машхлопок» ва «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари йиғим-терим техникасини ремонт қилиш ва тайёрлашда давлат ва жамоа хўжаликларига етарли даражада оталиқ ёрдами бермаётганлиги таъкидланди.

Мажлисда КПСС Марказий қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Қўшма рейд

Талабалар шаҳарчаси: 1990 йил 29 август

Бирида яхши







Янги ўқув йилига икки кун қолганда Ўзбекистон ССЖ Олий Шўроси томонидан уюштирилган махсус комиссия Талабалар шаҳарчасида бўлди.

Комиссия таркибида жумҳурият Олий Шўроси Ёшлар ишлари қўмитасининг тайёрлов қўмитаси раиси, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Воҳид Исломбоев, жумҳурият Халқ Назорати қўмитаси масъул ходими Фатхулла Маҳмудов, Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг капитал қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Саидумар Саидов, жумҳурият Савдо вазирлигининг умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғи Дамир Абдураҳмонов, Тошкент шаҳар ижроқўмининг умумий овқатланиш Бош бошқармаси етакчи мутахассиси Абдуманноп Қодиров, ёшлар билан доимий ишлаш шаҳар Кенгаши раиси Фарҳод Насимов ҳамда ушбу сатрлар муаллифи бор эди. (Жумҳурият Соғлиқни сақлаш ҳамда маданият вазирликлари вакиллари таклиф этилган бўлсаларда, не учундир бу юмушдан четда қолдилар).

Ишни 70 йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Тошкент Давлат дорилфунунидан бошладик.

— Дорилфунунимизда 6 минг талаба ётоқхонага муҳтож, — дейди ректор Эркин Юсупов. — Шундан 4,5 мингини ётоқхона билан таъминлашга қодирмиз. 1500 нафар талаба эса ижарада яшашга мажбур бўлмоқда. Улар учун енгиллик туғдириш мақсадида, стипендияларига 10 сўмдан қўшиб бераяпмиз.

Талабалар шаҳарчасида дорилфунуннинг 18 та ётоқхонаси бор. Шундан 3 таси таъмирланяпти. Таъмирлаш ишларини 1 сентябрга қадар уддалаш кўзда тутилган.

Янги ўқув йили арафасида талай ўзгаришлар бўлди. Дорилфунун майдони ўзгача чирой очмоқда. Миллий чойхоналар, талабалар учун ошхоналар фойдаланишга топшириляпти.

Кимё куллиёти талабалари истиқомат қиладиган 90-ётоқхонадамиз. Бу ерда 220 нафар талаба яшайди.

2-қаватдаги ошхонага ўтдик. Бу ердаги аҳвол кишини қувонтирмасди, албатта. Электр плиталар йўқ. Қаровсиз хона.

— Бу ерда олдин қурувчилар бўлган, ҳали таъмирлаб улгурмадик, — бизга тушунтирмоқчи бўлишади ётоқхона мутасаддилари.

3-қават. Хоналарда деярли ҳеч ким йўқ. Айтишларича, талабалар уйларидан ҳали келиб улгуришмаган. Ошхонага мўралаймиз. Электр плиталари устида кимё куллиёти толибаси Муаттар Сиддиқова чойшаб «қайнатяпти».

— Плиталардан 2 таси ишлайди, холос, — дейди у. — 4 таси эса «хўжа кўрсин»га. Эрталаб, кечқурунлари навбат кутиб қоламиз.

Тўғри-да, бир қаватда 30 га яқин киши истиқомат қилса...

Ошхоналардаги электр плиталарини ўчириб-ёқадиган мослама (барашка) биронтасида ҳам йўқ.

Ҳожатхона аҳволи... уни таърифлашга сўз ҳам ожиз. Унга яқин орада бирон киши яқин йўламаган кўринади.

— Ҳаммасини бугун тўғрилаймиз, — дейди ТошДД ётоқхоналари дирекцияси директори Қувай Тўхтаев.

Дорилфуннуннинг маъмурий-молиявий ишлар бўйича проректори Қурбон Мамасолиев ётоқхона комендантига кўрсатма беради.

— Эртага, индинга шанбалик ўтказинг, ҳаммасини тузатинг.

2-ЁТОҚХОНА. Бу ерда бўлғуси ҳуқуқшунослар билан бирга хорижлик талабалар ҳам истиқомат қилишади. Биз гувоҳ бўлган хоналар озода, тоза.

3-ЁТОҚХОНА. Ушбу масканда жўғрофия ҳамда биология куллиётлари талабалари яшашади. Тор йўлкаларга бироз ишлов берилган. Аммо ундан кўнгил тўлмайди. Деворлари ёғ босиб кетган ошхона. Комиссия аъзолари уни сунъий кир ювиш воситалари билан тозалаш мумкинлигини айтишгандан кейингина, жонланиб қолишди. Қизиқ, наҳотки бу ҳақда ётоқхона мутасаддилари (комендант Қосим ака Қосумов. Рўзнома муштарийларининг ёдида бўлса, мазкур маскан фаолиятига бундан бир йил олдин ҳам тўхталиб ўтгандик. Ўшанда ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик кўрилаётганди. Афсус ҳанузгача аҳвол ўзгармабди) билишмаса?

4-ЁТОҚХОНА. Таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Ошхоналар ҳали жиҳозланмаган. Кираверишда ҳамма нарса остин-устун.

— 1 сентябрга (?) улгурсак керак, — дейди ётоқхона коменданти Ибодулла Бердиев. — Ётоқхонада 330 йигит-қиз туради. Шу кунгача 197 киши жойлашди.

94-ЁТОҚХОНА. Бу ерда тартиб-интизом сақланаётганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Ҳар қалай ётоқхона мутасаддилари қараб туришгани йўқ. Унинг коменданти Маҳбуба Худойбердиеванинг айтишича, талабалар (геология куллиёти) билан ишлаш осон эмас. Агар куллиёт деканининг ётоқхоналар бўйича масъул ўринбосари (Фозил Бекбоев) ёрдам бермаса, бу ишни уддалаш амри маҳол.

— Декан ўринбосари ўша вазифаси учун оладиган қўшимча пул ётоқхона талабалар кенгашига берилса эди, айни муддао бўларди, — дейди Маҳбуба опа. — Талабалар кенгаши билан ибратли ишларни қилаяпмиз.

— Мен Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятиданман, — деб ўзини таништиради Замира Иброҳимова. — Ҳали ётоқхонадан жой беришмади.

Тамара опа Расулова Тошкент вилоятининг Пскент ноҳиясидан. У киши қизларини ётоқхонага жойлаштириш илинжида юрибди. Маълум бўлишича, 4-5 кундан буён жой ололмай овора бўлиб юрганлар ҳам бисёр экан.


Талабалар шаҳарчасидаги овқатланиш шохобчалари ишидан кўпчилик мамнун. Собир Раҳимов ноҳия ошхоналар тресги, шаҳар умумий овқатланиш бош бошқармаси ходимларининг бу ердаги ишлари мақтовга сазовор.


Афсуски, ётоқхоналар ҳақида бундай гапни айтиш мушкул. Дорилфунун домлаларининг ҳамда ётоқхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, ҳамма айб талабаларнинг ўзларида эмиш. Уларда маданият етишмас экан. Жиҳозларни асраб-авайлаш, ётоқхона қоидаларига риоя этишни билишмасмиш? Билмадим, бу гапларда балки жон бордир? Бироқ, ётоқхоналарнинг талабга жавоб беролмаётгани эса аниқ. Демак, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабаларнинг бу борада амалга ошириши лозим бўлган ишлари талайгина.

Муҳаммад АМИН,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

МУАЛЛИФ суратга олган.

Бирида акси





«КЕЛАЖАК МЕВАЛАРИ ТЎКИЛМАСИН...»

Суҳбатдошимиз Мухтор Шапсановни муштарийларга таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Очиғи, бу тиниб-тинчимас одам ҳақида ёзмаган рўзнома-ю жаридалар, гапирмаган кишилар қолмади, десак лоф бўлмас. Тағин ажабланманг: «Нима бало, яна шахсий пулига бирор нарса қурдирмоқчимикан!» деб. Йўқ, энди қўйинг, унга шу мактабнинг дарди-ташвиши бир умрга татийди. Ўзи ҳам гоҳо «нолийди»: «Мактаб қурдираман деб ҳамманинг кўзига ёмон кўриниб қолдим». Йўқ, бундай савоб иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди...

Майли, ҳаммаси ўз йўлига, ҳалоли бўлсин. Шукрки, шундай ҳотамтой инсонлар бор экан. Бўлмаса ҳукумат идоралари эшигида наврўзлик чўпонларнинг ҳам умрлари ўтиб кетармиди!

Мухтор Шапсановнинг ҳозир ҳам бир оёғи Тошкентда бўлса, бир оёғи Китобда. Бўзчининг мокисидек қатнагани қатнаган. Бугунги суҳбатимиз мавзуси мактаб ва маорифимиз муаммолари ҳақида. Унинг жайдари фалсафаси билан танишинг.

— Мухтор ака, барчамизни ташвишга солаётган нарса — мактаб ва маориф соҳасида кишини умидлантирадиган ижобий силжиш бўлмаётгани. Ахир кутишнинг ҳам чек-чегараси бордир! Аҳвол ўша-ўша ўзгармаяпти-ку, энди қандай йўл тутиш керак!

— Бундай «ислоҳот»лар бундан етмиш йил олдин ҳам бўлган. Бундан кейин ҳам бўлади, ҳеч кўнглингизни чўктирманг. Лекин уни амалга ошириш осон эмас. Албатта дастлаб бу соҳада сал ўзгариш бошлангандек туюлди. Бу «ўзгариш» асосан муаллимларнинг ойлик маошлари баҳоли қудрат оширилгани. Бу билан юқоридагилар гўё «Америка очишгандек» бўлишди. Ҳарна бўлса-да, 100-120 сўмга зўрға рўзғор тебратиб юрган ўқитувчиларнинг косаси оқариб қолувди.

Мана Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларига қарата «Келажагимиз — мактабда» мурожаатномасини қабул қилди. Жумҳуриятимиз президенти бошланғич синф ўқитувчилари маошини 35 сўмга ошириш ҳақида фармон берди. Шунинг ўзиёқ мактабга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

— Ўқитувчиларнинг ойлик маошини ошириш билан мактаб ислоҳоти ўз-ўзидан амалга ошиб қолмади-ку!

— Ҳамма гап ана шунда. Мана олайлик, ўтган йили пахтанинг нархини оз бўлса-да, оширишди қанча югур-югурлар эвазига. Лекин ҳали ўзбек эгнига ўзининг пешона тери синган соф пахтадан тикилган кўйлак ё бошқа бирор устбошни кийгани йўқ-ку? Асосий эътибор ишлаб чиқаришга қаратилиб, мактаб ва маориф бутунлай унутиб юборилди. Бу ҳам шундай гап. Шунинг касофати билан ҳозирги кунда Ўзбекистонда эрта индин қулаб тушиш арафасида турган мактаблар сони мингга яқин.

— Мухтор ака, 50-60-йиллар мактаб ўқувчилари билан 80-йиллар ўқувчилари ўртасидаги фарқни, билим даражасини қандай ўлчайсиз! Кўпам кекса эмас, олтмишга яқинлашиб, элликдан ошган кишилар афсус билан «бизнинг давримизда муаллимлар ниҳоятда билимли эди. Шароитлар шунча ёмон бўлгани билан бизлардан жонини аямасди. Ҳозир ҳайронмиз, ўқитувчисиям бир гўр, ўқувчисиям» деб нолиб қолишади...

— Бу гапда жон бор.

Яшириб нима қиламан, у даврларда ҳақиқатан ҳам мактабларда анча адолатли, бир бурда нонини ҳалоллаб ейдиган фидойи муаллимлар кўп эди. Яшаш шароити, турмуш қанчалик оғир бўлгани билан болалар ниҳоятда илмга чанқоқ эди. Мен адабиётчилар тили билан айтганда бир «лирик чекиниш» қилай.

...Ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Урушдан кейинги йиллар. Мамлакатнинг силласи қуриган. Халқнинг қорни оч. Ҳувиллаган қишлоқлар. Хароба мактабимизга юпун, бир илож қилиб куни ўтаётган болалар шу ғарибгина, чордевор илм масканларини бирам яхши кўришарди. Бизнинг бироргамиз бир кун ҳам сабабсиз дарс қолдирмасдик. У пайтларда билмадим, муаллимларнинг халқ орасида ҳурмати ҳам катта эдими, райком, шўро раисларининг ҳам обрўлари унчалик эмасди. Мен Китоб ноҳиясидаги Каганович (ҳозирги Фурқат) номидаги етти йиллик мактаб интернатида ўқиб юрганимда она тили ва адабиётидан Саидов деган киши бизларга сабоқ берарди. Бир гуруҳда 15 бола ўқирдик. Еттинчи синфни тугатаётган йилимиз ҳар биримиз 40-50 тадан шеърни бемалол ёддан айтиб берардик. Ёки физика-математика фанидан дарс берадиган татар муаллим Ҳусайн ака Ҳолидовни айтайин. У киши бизларга шунақа мураккаб масалаларни ечишни ўргатардики, эсласам, у киши бугунги фан докторларига тенглашадиган билим даражаси билан бизларга сабоқ берарkan. У вақтда 7 синфни битирган 14 ёшли боланинг билими билан ҳозирги дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик куллиётини тугатиб борган дипломли мутахассиснинг билим даражасини солиштирсам, аввалгилар барибир устун келади-ёв.

Яна битта сабаби: ўша йиллари одамлар урушдан шунча азоб-уқубатлар билан чиққанига қарамасдан ҳукумат мактаб ва маориф соҳасига биринчи даражали вазифа сифатида эътибор берганлигини айтиш керак.

— Кишини ҳайратга соладиган нарса — яхши шароит, таълим-тарбия беришда энг илғор усулларнинг қўлланилиши, замонавий мактаблар, ҳамма-ҳаммаси кўнгилдагидек бўлгани билан аҳвол ҳеч ўзгармаяпти...

— Тўппа-тўғри. Қадимгилар бекорга айтмаган «Туянинг юки енгил бўлса, бақироқ келади» деб. Ҳозир ҳавасинг келади болаларга яратилган шароитни кўриб. Лекин то саккиз йиллик мактаб ўқувчисидан тортиб, дорилфунун талабасигача ёлчитиб ўқимайди. Кун ўтса, бир илож қилиб шаҳодатнома ёки, етуклик гувоҳномаси, диплом беришса бўлди, у ёғи бир гап бўлар...

Биргина мактаб ўқувчиси ҳақида қанчадан бери куйибпишамиз. Бунинг учун тўғриси, ҳозир кимниям айблашни билмай қолдик. Аввалига ота-онани айбладик: «Боласининг билими билан қизиқмайди», деб. Кейин муаллимларни. Бўлмади. Йўқ, биз биргина ота-онани ёҳуд ўқитувчини ҳадеб ёмонотлиққа чиқараверганимиз билан ҳеч нарсага эришолмас эканмиз.

— Унда мактаб ислоҳотининг амалга ошишига ҳали-бери умид қилмасак ҳам бўлар экан-да?

— Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Менинг баъзи таклифларим кимларгадир балки эриш туюлар. Аввало қишлоқ жойларда (шаҳарларда ҳам бу муаммоси оғир-ку!) мактаблар сонини аста-секин кўпайтиравериш керак. Энг муҳими, энди ўқувчилар сонини ҳар бир мактабда 300-400 нафардан оширмаслик чораларини ишлаб чиқиш вақти етиб келди. Бир жонли мисолни айтайин. Яқинда мен Таиланд ва Бирлашган Араб Амирликлари давлатларида сафарда бўлиб қайтдим. Мени ҳайратлантирган нарса Таиланддаги энг катта қишлоқ мактабида 250 та бола ўқир экан. Яна шуниси қизиқки, уларда 6 синфдан бошлаб ўқувчиларни саралаш бошланаркан. Айтайлик, бир бола ҳисобни, яна бирови тарихни, бошқа бирови эса жўғрофияни яхши кўради. Биздагидек бир синфда 50-60 та бола эмас, аксинча кўпи билан 15-20 тача ўқийди. Яна бир эътиборли нарса, ана шу саралаб олинган ўқувчилар қайтадан алоҳида билим даражасига кўра, яна махсус гуруҳларга ажратилади. Айтайлик, бирови бешга ўқийди, бошқаси тўрт ёки учга, бўлиниб ўқитилади. Ҳатто ишонмассиз, беш баҳога ўқийдиган болалар учун Япония фермерлари, капиталистлари ҳар йили маълум миқдорда маблағ ҳам ажратиб турар экан.

Ўқитувчилар ҳам икки хил тоифаларга бўлинган. Саводлилик ҳамда талабчанлик даражаси бўйича. Махсус гуруҳларда дарс берадиган муаллимларнинг маоши оддий гуруҳларда дарс берадиганларникидан уч ҳисса ортиқ экан. Бундай гуруҳларга ҳар қандай ўқитувчи ҳам танлаштирмайди. Алоҳида аттестация-синов ўтказилиб унинг натижаларига кўра ўқитувчилар тақсимланади. Мана сизга бизнинг мамлакатимизда шу вақтгача энг қолоқ ва саводсиз давлатлардан бири деб келинган миттигина Таиланддаги мактаб ва маорифнинг истиқболи!..

— Ўзбекистонда мингга яқин аварий ҳолатдаги мактаблар борлиги ҳақида анчадан бери зўр бериб гапириб етибмиз. Бу борада албатта қатор ишлар ва тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Жойларда замонавий типлардаги мактаблар қад кўтаряпти, Аммо менинг назаримда бизда қурилаётган мактабларнинг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларида жумҳуриятимизнинг табиий шароити, жўғрофик жойлашиш ўрни умуман ҳисобга олинмаётгани ҳам сир эмас. Ахир бизнинг асрлар оша яшаб келаётган, ота-боболаримизнинг муборак қўллари теккан миллий архитектурамизнинг ноёб дурдоналари ҳалигача жаҳонни лол қолдириб келаяпти. Ана шу миллий анъаналарни давом эттирсак бўлмайдими!

— Мени ҳам қийнаб келаётган нарса шу. Биз бир нарсани ҳамон англаб етолмаяпмиз. Бизни жуда кўп нарсаларда алдашгани етмасмиди? Маданият дейсизми, ички ва ташқи муносабатлардами, иқтисодий тақсимотдами, ҳамма-ҳаммасида тарозининг икки палласи ҳали тенглашганини кўрганим йўқ. Бу «касаллик шунчалик қон-қонимизга сингиб кетган эканки, ҳатто ўз молимизга молхона қурсак ҳам ана шу «четки таъсир»дан чиқиб кетолмайдиган бўлиб қолибмиз.

Шу пайтгача тузилган лойиҳаларнинг тўқсон тўққиз фоизида ҳам умуман миллий анъаналар-ку у ёқда турсин, ҳатто табиий шарт-шароит ҳам ҳисобга олинмаган.

— Индира Ганди номидаги мактабни ўзингиз пешона тери эвазига топган маблағга қурдиргунча она сутингиз оғзингизга келувди. Мактаб битиб чўпон болалари анча яйраб қолишди. Ҳозирги кунда мактабда қандай ўзгаришлар бўляпти. Шунча меҳнатингиз зое кетмаяптими?

— Асло. Мактабга ҳар ойда бориб тураман. Лекин ҳар борганимда «қуруқ» бормайман. Ташвишлар энди бошланяпти. Ҳозирча қирққа яқин бола ўқияпти. Насиб этса, келаси йили олтмишдан ошса, кейинги йилларда икки юзга яқинлашиб қолади. Чунки Свердлов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари мактаб қурилишидан 60 гектар ер берди. Аста-секин халқ бунёдга кўчиб келаяпти.

— Таиланддаги шароитни энди Наврўзда синаб кўраркансиз-да!

— Шуни ўйлаб турибман ўзим ҳам. Қандай қилсак энди ўзгариш ясаймиз. Аввалига ер бермай қийнашди. Ўтган йили анча югур-югурлардан кейин Давлат план қўмитасининг собиқ раиси, ҳукуматимиз бошлиғи Ш. Мирсаидов шахсан аралашгач, аранг уч ярим гектар ер «ундирдим». Энди ҳамманинг ҳаваси келади. 2 гектар боғда олма, ёнғоқ, ўрик, э, ҳамма нарса бор. Лекин Таиланддаги шароитни бизда синаб кўриш ҳали жуда қийин. Бу айтишга осон. Катта миқдорда маблағ керак. Мени қувонтираётган нарса ҳозир мактабимизнинг банкда ўз шахсий ҳисобини очаяпмиз. Бундай мактаблар Ўзбекистонда ҳисобли. Ҳозир пул ўтказиш ташаббуси билан чиқаётганлар бор. Икки минг сўмча пулни ўзим олиб юрибман. Мактабнинг пули. Ҳисоб тезроқ очилса, кейин кўрасиз... Мени қийнаётгани ҳали тажрибали муаллимлар йўқ. Борлари ҳам «пичоққа илинмайди».

Шунисига ҳам шукур қиламан. Ҳайрият, ёлғизлигим билинмаяпти. Айниқса бир вақтлар «айбсиз айбдор»га айланиб, ноҳақ маблағ кўрсанам, ҳалол ва фидоий инсон, умрини шу соҳага бағишлаган, Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирининг муовини Муртазо Султоновнинг ёрдами катта бўляпти. Ҳар доим эринмасдан сўроқлаб туради: «Мухтор ака мактабингизга қандай ёрдам керак» деб. Шу мумкин қашқадарёликлар ҳам қараб турганим йўқ. Қўлларидан келган ёрдамларини беришяпти. Энг асосий вазифамиз — 20 гектар ер беришга, кейин кўрасиз ўзгаришни. Ана шу ерда Китоб ва Чироқчи ноҳиялари ўқитувчиларининг дам оладиган санаторий профилакторийсини қурдирмоқчиман.

— Бу оғизга осон Мухтор ака. Лекин...

— «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди» деган мақолни эшитгансиз-а? Энди, сизга айтсам, кўп «тегирмонларга» кириб чиқдим. Анча «тажриба» тўплаб олдим. Тағин раҳбарлар ўйламасин: «Яна бизга оғирлигини ташлаб олади» деб. Мактабнинг ўз даромад манбаи ҳам бўлади. Мактаб ҳовлисига экилган улбул маҳсулотларни сотамиз. Хуллас, ҳали ниятлар кўп.

— Китоб ноҳиясида яна бир қаровсиз мактаб бор.

— Ҳа, ҳа, Лев Толстой номидаги мактабни айтаяпсиз, шекилли...

— Топдингиз. Э, нимасини айтасиз, бу мактаб ҳақида кўп ёзилди. Мактаб қурилиши бошланганига анча бўлди. Лекин қурувчилар учун ажратилган йиллик маблағ ҳисобли, жуда оз. Қишлоқ одамларининг саъй-ҳаракатлари туфайли наридан-бери ҳашар йўли билан қурилган мактаб эски биносининг ярмиси чимдан. Худо кўрсатмасин, агар бирон фалокат рўй берса борми...

—Сарой қишлоғидаги бу мактабнинг «эгизак»лари Ўзбекистонда беҳисоб. Аммо «бундай мактаблар кўп экан, секин-аста қураверса ҳам бўлади» деб юрган мутасаддилар хомтама бўлмасин яна. Етмиш йил мобайнида йўл қўйган мудҳиш хатоларимизнинг ўзи яна неча-неча йилларга етиб ортиши номаълум. Ҳалиям эсимда, мамлакат олий парламентига ҳамда Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий кенгашларига бўлган сайловолди учрашувлари худди сиз тилга олган мактабда ҳам ўтказилганди. Номзодларнинг ҳаммаси биринчи навбатда мактабни тезроқ қуриб битказишга ваъдалар беришган. Шу жумладан ноҳия фирқа қўмитаси биринчи котиби (собиқ) ҳам ёрдам қилиш ваъдалар беришганди. У эса яқинда ишдан кетди. Лекин мана шундан бери бир-икки йил ўтяпти ҳамки, ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Ўша халқ сайлаган депутатлар ишончни оқлашлари керак. Шунча алдамалар етади. Ҳар кимга худонинг ўзи инсоф берсин экан-да. Бизнинг халқимиздек ишонувчан, содда ва ювош халқ дунёда бўлмаса керак. Ўз ҳаққимизни сўраб олишга, талаб қилишга ийманамиз.

— «Келажак сизларникм!», «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!», «Партиянинг олий мақсади —халқ фаровонлигини ошириш» деган ўйин кетган дабдабали шиорларни бугун кўриб ростини айтсам, на кулишни биламиз, на йиғлашни. Энди алдашнинг ҳам чегараси борлиги сезилиб қолди. Эрта-индин биз ўз фарзандларимизга, невараларимизга нима деб жавоб берамиз! «Наҳотки биз сизларнинг қилмишларингиз ва хатоларингиз эвазига кун кечирамиз» деб сўрашса!

— Ана шу сиз айтган аччиқ саволни ҳозир бизнинг ўзимиз эшитяпмиз-ку! Ҳақиқат доимо аччиқ бўлади. Лекин у ҳамма нарсадан устун тургани учун ҳам қадрлидир. Биз бир нарсани унутмайлик, ҳаёт биринчи навбатда мактаб остонасидан бошланади. Мактаб ва маориф соҳасида ҳукуматимиз чиқараётган қатор қарорлар, тадбирлар шу вақтгача қоғозда қолиб келди. Буйруқлар билан иш битмаслиги, зўрма-зўраки, узоқни ўйлаб қилинмаган ишларнинг бари пучга чиқди. Энди бунга чидаб бўлмайди. Ҳукумат томонидан ташланган хайрли қадамлар халқ орасига қандай етиб бораётганлиги назорат қилиниши керак. Мактаб ва маориф соҳасида инқилоб бошланмас экан, эртанги кунимиз яна эскилигича қолаверади. «Келажак ишончли қўлларда!» деган баланд-парвоз гапларни айтишдан кўра, умримизнинг давомчилари бўлмиш фарзандларимиз учун қайғурайлик. Келажак мевалари асло тўкилмасин!..

Норқобил ЖАЛИЛ
суҳбатлашди.

ЗУҒУМ

МИЛИЦИЯ МАЙОРИ ШАРИФ ЭРГАШЕВ 55 МАРТА СЎРОҚҚА ЧАҚИРИЛИБ, ҲАҚОРАТЛАНДИ, ТЕРГОВЧИЛАР УНДАН НИМАНИ ТАЛАБ ҚИЛИШГАН ЭДИ?

Тақдир сўқмоқлари

...1986 йилнинг 4 июнида уни чақирув қоғозисиз Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлими орқали Навоий шаҳрига, Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳига олиб боришди. Бу ерда уни Ислом Султонович Боров ва аллақандай Айвазов деган терговчилар сўроқ қилишди.

— Сен Навоий вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Тўра Ҳайитовга пора берганлигинг тўғрисида кўрсатма берасан!

Уларнинг талаби шу эди. Кўнса, ҳатто юқори лавозимга кўтаришга ваъда беришди.

6 июнь. Чақирув қоғозисиз соат 9 да яна Навоий шаҳрига терговга чақиришди. Уни Боров билан Айвазов кетма-кет сўроқ қилиб, азоблашди. Қийноқ кеч соат 18 гача давом этди.

9 июнь. Олдингисидан баттар тергов кеч соат 19 гача давом этди.

10, 11, 12 июнь кунлари терговчилар Навоийдан Мурунтовга бир гуруҳ БХСС ходимларини юборишди. Улар Қизилқум электроразведка бўлинмасида ишчи бўлган Шариф Эргашевнинг турмуш ўртоғи иш фаолиятини текширдилар. У фарзанд кутаётган эди. Ҳомиладорлик отпускасида бўлиб, қаттиқ ҳаяжонланганди.

13 июнь. Боров «ҳаракат қилиб» йиғиб қўйган Шариф Эргашев номига иснод келтирувчи ёмон материалларни пеш қилиб «булардан ҳеч қаёққа қутула олмайсан» деди. Соат 19 да қўйиб юборишди.

16 июнь куни ҳам 220 километр йўл босиб, соат 9 га етиб келди. Тушликка ҳам чиқаришмай соат 17 гача истаганча ҳақорат қилишди. Майор кетар чоғи терговчилардан қонун бўйича ишга кўрсатиш учун чақирув қоғози ёзиб беришларини сўраганида, Айвазов «Ҳеч қиси йўқ, эртага узоқ вақтга чақирув қоғози оласан, яъни қамоққа ётасан», деб жавоб берди.

17 июнда у Боров ва Айвазов ҳузурига келди. Боров Навоий вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи А. С. Тришкин номига ёзилган ушбу хатни кўрсатди: **«Мен ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Т. Ҳайитовнинг жиноий ишини олиб бормоқдаман. Мурунтов посёлкаси милиция бўлимининг бошлиғи Эргашев Шариф унга пора берганликда айбланмоқда. СССР Прокуратураси уни ишдан бўшатишни талаб қилади. Натижаси СССР Прокуратурасининг тергов гуруҳига хабар қилинсин!**

БОРОВ».

Шу мазмундаги хат Зарафшон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Х. Ғафforова номига ҳам ёзилган бўлиб, унда Ш. Эргашевни КПСС сафидан ўчирилиши талаб қилинган эди.

Боров ушбу икки хатни конвертга жойлар экан, мийиғида кулиб:

— Хўш, ўйлаб кўрдингми, эртага сени партиядан ўчиришади, Тришкин эса милициядан ҳайдайди, мана сенга қайсарлик, ўзингга-ўзинг ҳукм чиқардинг, — дейди. — Ҳали ҳам кеч эмас, — деб давом этди у, стол устига қоғоз қўяр экан. — Мана сенга сўнгги имконият, бор гапни бўйнингга ол, шунда мен бу хатларни йўқ қиламан.

Шариф Эргашев ҳеч иккиланмай, бу сўнгги имкониятдан ҳам воз кечди. Соат 19 да уни қўйиб юборишди.

Тришкин ўз номига юборилган хатни олгач, уни Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғига сипоҳи шарафи судида кўриб чиқиб, ишдан ҳайдаш ҳақидаги материалларни тақдим этишни сўради. Бироқ сипоҳи шарафи суди, бошланғич партия ташкилоти ва шаҳар ички ишлар бўлимининг раҳбарлари Боровнинг хатидан бошқа Шариф Эргашевни ишдан ҳайдашга асос бўладиган далилларнинг йўқлиги боис рад жавобини йўлладилар.

Зарафшон шаҳар партия қўмитаси эса, Боровнинг мактубига ҳатто жавоб беришни ҳам лозим топмади.

Шу воқеалардан кейин Ш. Эргашев 17 июнь куни кечқурун ички ишлар бошқармасига Тришкин қабулига борди. Бироқ бошлиқ ҳатто гапиришни ҳам истамади.

Бу орада Шариф Эргашевнинг хотини — Ҳикоят Рустамовна Жўраева фарзанд кутаётган бўлиб, аҳволи оғирлашган ҳолда икки норасидаси билан Зарафшонда якка ўзи қолди. Қизи — Азиза туғма асаб касал бўлиб дунёга келди. Онаизор ҳам асабий, хаста бўлиб қолди...

Тергов 1987 йилнинг 20 апрелигача, яъни бир йил, 6 ой-у, 4 кун давом этди. Шу вақт ичида Шариф Эргашев 55 марта сўроқ қилинди. Унинг номидан Тўра Ҳайитовга пора берганлиги тўғрисида қалбаки иқрорнома тайёрлашди ва шу асосда видеофильм ишлашди.

1987 йилнинг 11 февралида терговчилар Айвазов билан Кучеров **«Агар сен кўрсатма бермасанг, биз Тришкин ва унинг кадрлар бўйича ўринбосари Сергеев билан келишиб олдик: Сени порахўр сифатида милиция органидан ҳайдашади»** деган шарт қўйишди.

Шундан кейин у касал бўлиб 12 дан 21 февралгача (1987 йил) даволанди.

Боров билан Айвазов «ваъдага вафо қилиб», ички ишлар бошқармаси бошлиғи Тришкинни 1987 йилнинг 26 февралида 019 сонли ноқонуний буйруқ чиқаришга кўндириб, шу асосида Ш. Эргашевни посёлка милиция бўлими бошлиғи вазифасидан четлаштиришга эришдилар.

Шариф Эргашев ноҳақ буйруқдан норози бўлиб, Тришкинга рапорт билан мурожаат қилади. Бироқ у гаплашишни ҳам истамади.

Майор Шариф Эргашевнинг тақдири нима бўлди?

Навоий вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, милиция полковниги Ҳайитов Тўра Ҳайитович Ўзбекистон ССР Олий Судининг ҳукмига биноан, ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмагани учун оқланди, партия сафига тикланди.

Шариф Эргашев эса СССР Прокуратурасига мурожаат қилди... СССР Ички ишлар вазирлигининг топшириғига биноан, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги текширув ўтказиб, Шариф Эргашевни лавозимидан асоссиз бўшатилган деб топди. Лекин Ш. Эргашев ўзининг олдинги вазифасига тикланмади. Кам ҳақ бериладиган вазифада ишлаган пайтидаги маоши фарқи тўланмади. Энг аянчлиси, бу ишда айбдор бўлган жиноятчи терговчилар жазосиз қолдилар.

Ш. Эргашев ҳозир Ургут ноҳияси ГАИ бўлимида инспектор бўлиб ишламоқда. У адолат қарор топишини кутяпти...

Акрам БЕРДИМУРОДОВ,
журналист.

Хориждан хабарлар

ПАРЛАМЕНТДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

СОФИЯ. (СИТА). Болгария Социалистик партияси Олий Кенгашининг биносига ҳужум қилишни уюштирганлар мамлакатда Президент бошқаруви жорий этилишини ҳамда парламент тарқатиб юборилишини хоҳлаган эдилар. БХЖ вице-президенти А. Семержиев шу ҳақда гапирди.

Вице-президент «Подкрепа» меҳнат конфедерациясининг раиси К. Тренчевни воқеа содир бўлишидан олдин ўз ҳузурига таклиф қилиб, ундан телевидение орқали сўзга чиқиб, БСП Олий Кенгаши биноси олдида тўпланган кишиларни зўравонлик хатти-ҳаракатларидан воз кечишга чақиришни илтимос қилганлигини айтди. Бироқ «Подкрепа» раҳбари фақат телевидение орқали чиқишдан бош тортибгина қолмай, вице-президентга парламентни тарқатиб юборишни таклиф этган. Тренчевнинг сўзларига қараганда, парламент амалда ҳеч нарса қилмаётган эмиш. У Болгарияда Президент бошқарувини йўлга қўйишни ҳам сўраган.

БХЖ Ички ишлар вазирлиги вакилининг «Дума» рўзномасида эълон қилинган хабарига қараганда, Тренчев 9 сентябрь майдонида воқеаларнинг бошидан охирига қадар қатнашган. Хусусан унинг бир соат давомида БСП биносидан Ёқут юлдузни олиб ташлаш тўғрисидаги талаби экстремистларнинг ҳужумга ўтишларига хизмат қилди. Ички ишлар вазирлигининг 400 га яқин ходими, дастлабки маълумотларга кўра, 3 мингдан 4 минг кишигача бўлган оломонни ушлаб қололмади. Безори унсурлар олий партия кенгашининг биносига бостириб кирдилар, ўт қўйдилар ва уни талон-торож қилдилар.

Олий партия кенгаши биносига ўт қўйилиши сабабларини аниқлаш Болгария парламентида қизғин мунозаралар келтириб чиқарди.

БОННДАГИ УЧРАШУВ

БОНН, 30 август. (СИТА мухбири Александр **Семенов**). Бу ерда Германия Федератив Жумҳуриятидаги энг катта парламент партиялари раҳбарларининг иккинчи учрашуви бўлди. Унда ҳар икки герман давлатини бирлаштириш тўғрисидаги иккинчи давлат шартномаси билан боғлиқ баҳсли масалалар муҳокама қилинди. «Кўкатпарварлар» партиясининг вакиллари аввал бўлганидек, бу гал ҳам учрашувга таклиф этилмадилар.

Германия социал-демократик партиясидан канцлер лавозимига номзод О. Лафонтен учрашув якунларига бағишланиб ўтказилган журналистлар билан учрашувда музокаралар чоғида социал-демократлар ўзлари учун муҳим соҳаларда олға силжишга муваффақ бўлганликларини таъкидлади. Масалан, илгари Германия Демократик Жумҳурияти миллий фронти таркибига кирган партияларнинг мол-мулки хусусидаги масалада бирмунча силжишга эришилди. Мазкур партияларнинг мулки у ёки бу даражада давлат назорати остига олинади, мабодо унга қонуний даъвогарлар топилса, бу мулкдан Германиянинг ушбу қисми иқтисодиётини «тиклаш» учун фойдаланилади.

Германия Демократик Жумҳуриятида ер ва ерости бойликларининг собиқ эгалари ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда юзага келган мулк муаммолари ҳал этилди. Германиянинг бўлажак Конституцияси хусусида ҳам коалицион партиялар билан ГСДПнинг тутган йўли бир-бирига яқинлашганлиги сезилди. Чунончи, энди референдум ўтказиш имконияти назарда тутилади.

Айни вақтда, деб таъкидлади О. Лафонтен, Германия Демократик Жумҳурияти ўлкалари ҳамда жамоаларини молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳали етарли даражада ҳал этилмаган. Маблағ билан таъминланиш, социал-демократларнинг фикрича, мутлақо етарли эмас. «Немислар бирлиги қанча туриши» тўғрисидаги масалада ҳам ҳозирча ойдинлик йўқ.



Яратганга шукр қилиб, шул «беш кунлик дунё»нинг барча ташвиш ва севинчларидан гоҳ нолиймиз, гоҳ суюнамиз, Лекин ҳаётнинг шундай машаққатли сўқмоқлари ҳам борки, улар олдида одамизот ожизлик қилади...

Гап айланиб, ушбу сувратдаги француз йигити, Патрик Сегал ҳақида кетаётганини билиб тургандирсиз. Бундан 18 йил муқаддам Патрикнинг ҳаётида кутилмаган воқеа рўй берди. Тўсатдан унинг оёқлари ўзига бўйсунмай қўйди. Шу-шу бўлди-ю, ногиронлар аравачасига «михланиб» қолди. Лекин барча азобларга чидади. Иродаси мустаҳкам бу йигитга энг яқин дўстлари, айниқса, шифокорлар катта ёрдам беришди. Очиғи, Патрик жуда истеъдодли эди. Агар шу бўлмағур «дард» илашмаганида борми?

Шунча азоб-уқубатларни енгиб яшашнинг ўзи бўлмайди. Бу орада Патрик еттита китоб, бешта ҳужжатли кино учун сценарий ёзди. Бир қанча мамлакатлар ногиронлари учун махсус дастурлар ишлаб берди.

Унинг энг севган машғулоти спорт билан шуғулланиш эди. Ҳатто ишонмассиз, бир марта Франция миллий командаси сафида Ҳимолай чўққиларигача чиқиб келди...

Патрик Сегал ҳозирги кунда Францияда ногиронлар аравачасида югуриш бўйича тузилган команданинг таниқли тренери. Ҳали олдинда кўплаб олимпиадалар, чемпионатлар турибди...

Суратда: Патрик АҚШнинг Бостон шаҳрида ўтказилган мусобақалардан бирида.

(СИТА суратлавҳаси).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОДАМХЎР АРСЛОНЛАР

● ҲИНДИСТОННИНГ Гужурат штатида кейинги икки йил давомида одамхўр арслонларнинг ҳужумлари туфайли 16 киши ҳалок бўлди, 140 киши эса қаттиқ жароҳатланди. Штат ўрмон хўжалиги вакилларининг фикрича, Гир ўрмондаги махсус арслонлар қўриқхонаси бу ерда яшовчи ҳайвонлар учун жуда тор бўлиб қолган, шунинг учун ҳам арслонлар қўриқхона ҳудудидан чиқиб кетиб, яқин теварақда дуч келган одамларга ҳужум қилмоқда.

XX аср бошларида барпо этилган 1,4 минг квадрат метрлик қўриқхона Осиё арслонлари яшайдиган сўнгги жойдир. Бу ерда ҳайвонларни овлаш қатъиян тақиқланган. Ўтган давр мобайнида ёввойи ҳайвонлар сони 20 тадан 280 тага кўпайди. Сўнгги вақтда штатда одатдагидан кўп бўлган қурғоқчилик арслонлар ов қилувчи ҳайвонлар сонининг камайиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам ўзига ейиш учун бирор нарса қидириб юрган арслонларни Гир ўрмонидан ўнлаб километр нарида ҳам учратиш мумкин. Бу эса уларнинг йўлида дуч келиб қолувчи маҳаллий аҳоли учун кўпинча фожиали тугамоқда. Арслонларнинг ҳужумидан ташвишга тушган штат маъмурияти қўлга тушган жониворларни ҳайвонот боғига сотиш, ёки жуда ваҳшийларини отиб ташлашга рухсат бериш ҳақида ўйлашмоқда.

ЭТИК КИЙГАН ИТЛАР

● ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯНИНГ Веллингтон шаҳри аҳолиси кўча-куйда оёғига этик кийдирилган итларни кўриб ҳайрон бўлишмоқда. Бу янги мода бўлса керак, деб ўйларсиз. Йўқ, ундай эмас. Полициячилар ўз овчаркалари билан хизмат юзасидан ресторанларга борганда, у ердаги тўс-тўполон натижасида синган идиш қолдиқлари итларнинг оёқларини кесиб юбормаслиги учун ҳайвонлар оёғига махсус ишланган резинали этик кийдиришади.

ТАДБИРКОР СОЛИҚ ОЛУВЧИЛАР

● ПАРИЖ. шаҳри яқинида турувчи Поль Рималь исмли киши солиқ тўлаш бошқармаси ходимларини «бир боплай» деб, 50 килограммдан иборат майда тангаларни қопга солиб, бошқармага келди. Бошқарма ходимлари ҳам анойилардан эмас, экан. Улар пулни қабул қилишдан бош тортишмади, фақат тангаларни 10 тадан бўлак-бўлак қилиб, топшириш лозимлигини айтишди. Ишнинг бунчалик тескари айланиб кетишини кутмаган ҳазилкашнинг чўнтақдан қоғоз пул олиб, тўлашдан ўзга чораси қолмаганди.

ТЎЙ

ҲИКОЯ

Азизжон қўлидаги бежирим, зарҳал ҳарфлар билан битилган, чўғ бўлиб куйдираётган таклифномага серрайганча тикилиб қолган, кўзларига ишонгиси келмасди. Наҳотки?.. «Фарзандларимиз Саидахон билан Назиржоннинг никоҳ кечасига таклиф этамиз...»

Шу бир парча қоғоз Азизжоннинг кўнглида неча йиллардан бери ардоқланиб келган нарсани чил-чил қилганди-ю, синиқларини юрагига қадаганди — бу ёш йигитча учун даҳшат, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даҳшат... Азизжоннинг юраги ҳапқирди. Томоғига нимадир тиқилди-ю, кўз ёш бўлиб тирқираб кетди.

...У Назирни танийди, танийдигина эмас, энг қалин дўсти эди у. Дардини ота-онасига айтмаса ҳам, бунга тўкиб-соларди. Назир ачинган, йўл-йўриқ кўрсатган бўларди. Тўғри, уларнинг феъли ҳам, шароитлари ҳам ҳар хил. Назирнинг отаси собиқ раислардан, яшаши ҳам чакки эмас. Азизжоннинг отаси сувчи, яшаши... эл қатори, чидаса бўларди... Феъллари ҳам шунга яраша. Ҳар ҳолда дўст эдилар икков...

Саида — синфдоши... Уйлари ҳам ёнма-ён. Мактабга бирга бориб, бирга қайтишарди. Жуда гўзал эди у... Чидолмаган шумларнинг: «келин-куёв, келин-куёв, мунча қалин, вой-боёв!..» деб орқаларидан чапак чалиб қолишдан бошқа чоралари йўқ эди. Эсида, уни деб ким қанчаси билан муштлашган...

Азизжон бўғилди. Ҳаммаси тугабди-да, демак... Саида муҳаббат суви билан пиёласини тўлдиргувчи эди — ҳаётнинг жазирамасида қуриб-да?! Эҳ, Назиржон, писиб келиб орқадан пичоқ урдинг-ку?! Сен ютдинг... Эгиласан, букиласан, лекин синмайсан... Сендақаларнинг ошиғи олчи. Эҳ, Азиз, дўст деганинг Саиданинг пайида юрганини билмасмидинг? Билардинг... Саидадан нажот кутардинг. Тўй куни белгиланганда ҳам, ҳамма нарсанинг тортиб олинган, фақат гарданингда умид қолган эди, биёбонда якка ўзи сўппайиб, қуриётган дарахт сингари... Шу байтолмон қоғоз уни ҳам сўндирди, муҳаббатингни нафратга айлантирди... Э... бунақа ҳаётнинг падарига... У, Азиз, дунёи кўтир, чидасанг ўтир экан...

Вақт беомон, хоҳласанми, йўқми, олдинга йўрғалайверади. Вақт сенга эмас сен вақтга тобесан... Сен тобеларнинг бирисан, холос. Сендақалар олдин ҳам ўтган, ҳозир ҳам бор, кейин ҳам бўлади.

Тўй куни ҳам етиб келди. Тўйга борай деса, одамларга қандай кўринади? Саидага-чи?.. Бормай деса, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрмоқчи...

У ҳеч қилмаган иши — ярим шиша ароқни ичиб олди-да, сархушланиб ўрнидан турди: — Э, Назирбой, тўйингни бутун умр эслаб юрадиган бўласан, шошмай тур, — деди ўзича ғудраниб. Унинг қизаринқираган кўзларида хосиятсиз учқун ялтиради.

Оқшом чўка бошлаган пайт куёв тараф карнай-сурнай билан келинни олиб кетди. Куёв ҳовлисига яқинлашдилар. Дарвоза олдида катта гулхан гурра олов олди. Келин-куёвни олов атрофида айлантириб, ичкарига олиб кирдилар. Саиданинг этагига анор доналарини тўкиб, Назирнинг тиззасига атрофга жовдираб қараётган болакайни ўтқизишганда Азизжоннинг аъзои баданига титроқ кирди. Йиғламоқдан бери бўлиб, косагул тутган ароқни даст кўтариб ичди-да, пиёлани тарақлатиб қўйди. Хумдай оғирлашиб қолган бошини сарак-сарак қилиб: «У, фалак, ундан кўра кўзларимни ўйиб олсанг бўлмасмиди?» деган туманли фикрни ўтказди кўнглидан.

Келин-куёв ўйинга бориб ўтиргач, базм авжга чиқди. Табрикномалар маърузалар ўйинга қўшилишди. Ўйинчи қиз зар кўйлагини ялтиратиб, давра бўйлаб хиром айлади. Ёғ ялангани ўзига қаратди.

Азизжон минг хил азоб билан Саидага қаради. Нигоҳи кўзлари тўқнаш келди-ю, Саиданинг боши эгилди. Азизжон энди Назирга кўз қирини ташлади. Назир ишшайиб, кўз қисган бўлди. Азизжон чидолмади, гандираклаб-сандироқлаб даврага тушди. Гўё ол қормоқчи бўлгандай, бесўнақай ҳаракатлар билан рақсга тушиб кетди. Ўйинчи қиз пилдираб келиб, атрофида гирдикапалак бўлди. Ишвага тўлган кўзларини ўйнатиб ўйнади. Азизжон уни жазавага тушди.

— Ҳо... ҳиқ... жонидан... Товусдай йўрғаласиз-а!.. — деди у нима деяётганини ҳам билмай.

— Между прочим, сизам хорошо тушаркансиз...

Азизжон тиржайди:

— Исмингиз нима, билсак бўладими?..

— Ишь ти, боевой экансиз... Қани, қистирворинг-чи, айтаман... — деди у ўйнар экан, кўзларини сузиб.

Азизжон эриб кетиб, бор пулини унга қистирди-ю, қучоқлаб олди. Ўйинчи қиз беҳаёларча қаҳ-қаҳ уриб, ҳалойиқнинг қийқириғига ҳам эътибор бермай, нари кетди.

Азизжон ҳам қўлларини нари-бери силкитиб, даврадан чиқди. Яна келин-куёв томон боқди. Маст бўлса ҳам, Саиданинг игна устида ўтирганини сезди. Кўзлари яна тўқнаш келди-ю, Азизжон унинг кўзларида «кетинг, кетинг бу ердан...» деган илтижони туйди. Бу кўзлар ҳамма аҳмоқона режаларини чиппакка чиқарди. Иродаси бўшашди. Сўнгги бор Саидага боқди-ю, чайқалиб тўйхонадан чиқиб кетди. Шўх қўшиқ тиниб, маъюси билан алмашди.

Билмадим, қайдан
  кўнгилда ғам бугун,
Севгиданми,
киприкларимда нам бугун.
Ўйласам гар сенсиз
  ўтган кунларим,
Тор кўрингай кўзга бу
  олам бугун...

Азизжон шу тобда бутунлай измидан чиққан оёқларига муте эди. Оёқлари уйига эмас, қишлоқ четидан оқиб ўтадиган канал томон етаклади. У қаёққа, нима учун кетаётганини билмас, тўйхонадан узоқроққа кетса, ҳеч кимнинг овозини эшитмаса... шуни истар эди.

У каналга етгунича бир неча бор йиқилиб, оғзига сиққанича сўкиниб борди.

Канал ҳар галгидай тўлиб, айқириб оқади. Ойнинг нурида хира ялтирайди. Азизжон омонатгина кўприкнинг тўсиғидан ушлаб, ўртасига борди. Атрофда ҳеч зоғ йўқ. У тўсиққа беҳол суянди. Тезоқар сувга қараб боши айланди, кўнгли айниди. Сокинлик... Фақат эласдан тўй шовури келади. Шуни истамабмиди? Саидани нигоҳи... «Кетинг, бу ердан, кетинг...» Азизжон сергакланди. Қаддини тик тутмоқчи бўлди-ю, гандираклаб кетди. Тўсиқни ушлаб қолди. «Кетаман, Саида... бутунлай кетаман... Эшитяпсанми, бутун-лай...» Азизжон бўшашиб олдинга мункиди...

Чархпалак бўлаётиб, кўприкнинг тиқиб турган тахтасига боши урилди. Оғир гавда билан бирга синган тахта сувга шалоплаб тушди. Тўлқин сув ичига бир кириб, бир чиқаётган танани оқизиб кетди...

...Йиллар ўтди. Одмигина кийинган жувон бир қўлида эмизикли бола, иккинчиси билан қизчасини етаклаб кўприкдан ўтиб борарди. Ўтаётиб кўзларига беҳосдан ёш келди, армон билан қаёққадир шошаётган тўлқинларга термуларкан, чуқур уҳ тортди.

— Нима бўлди, аяжон? — деб этагидан тортди қизчаси.

— Й-йўқ... ҳеч нарса, қизим... — онанинг овози қалтираб кетиб, бир томчи ёш юзига оқиб тушди. У енги билан юзини артди-да, қизининг қўлини маҳкам сиқиб, сергакланди...

Эласдан тўй шовури келарди...

ЖАҲОНГИР.

АЗИЗ ТЕНГДОШЛАР!

ТОЛИБ ВА ТОЛИБАЛАР!

МАНА, ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИК.

У ЯНГИ МАРРАЛАР ВА ЗАФАРЛАРГА ТЎЛИҚ БЎЛИШИНИ ЖУДА-ЖУДА ИСТАРДИК. ЗЕРО, ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ ЭРТАСИ СИЗ БИЛАН БИЗ ҚАНДАЙ БИЛИМ ЭГАЛЛАШИМИЗГА, ОЛИЙГОҲ ВА ДОРИЛФУНУНЛАРДА ЭГАЛЛАГАН ИЛМУ-САБОҚЛАРИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛА ОЛИШИМИЗГА БОҒЛИҚ ЭКАНЛИГИ БУГУНГИ КУНДА ШУБҲАСИЗДИР.

СИЗЛАРГА ИЛМ-ФАН ЧЎҚҚИЛАРИНИ ПУХТА ЭГАЛЛАШИНГИЗДА ИРОДА, МАТОНАТ ВА ЧУҚУР ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАМРОҲ БЎЛИШИГА ТИЛАКДОШМИЗ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



Мана бу гўзал қизга бир қаранга... У ҳам толиба, боз устига аълочи ҳам... Бу ким бўлди дейсизми? Кибриё Оқилова — Қарши Давлат педагогика олийгоҳининг, мусиқа бўлими 4-курс толибаси. Олийгоҳ қошида ташкил этилган «Ибо» вокал-чолғу дастасининг хонандаси...

Биз Кибриёхонни, у орқали олийгоҳнинг барча профессор-ўқитувчиларини, талабаларни янги ўқув йили билан қутлаймиз.

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТ.

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

ЖИЛҒА № 6

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

Адабиёт ва санъат саҳифаси

«Ўқиганга тегаман»

КАРИМЖОН билан ётоқхонада ёнма-ён қўшни турамиз. Қайси биримиз уйга бориб келсак, хурсандчилик билан кўришардик. Ўтган байрамда ҳам қишлоққа йўл олдим. Каримжон ҳам уйига, Фарғонага кетди. Мен байрамни ўтказдим-у тезда Тошкентга қайтдим. Каримжон эса бир ҳафтадан кейин келди. Кўришдим, ҳол-аҳвол сўрадим, лекин бу сафар нимагадир кайфияти йўқ эди. Бир пиёла чойга таклиф этгач, сабабини сўрадим.

Ушбу мактубни ёзишимга унинг жавоби туртки бўлди.

Каримжоннинг ота-онаси ўз маҳалласидаги Нигора исмли қизни келин қилишни кўнглига тугиб қўйишган экан. Каримжон уйга келганда, бу тўғрида узоқ маслаҳат бўлибди. Каримжон уйдагилар таклифига олдинига рози бўлмади. Ўқишга кириб, ҳеч бўлмаганда биринчи курсни битириб, кейин уйланаман, деб ўз фикрини айтди. Ота-она шароитни тушунтиргач, Каримжон охири кўнди. Кейин, урф-одатга биноан совчи юборишди. Қиз томондагилар куёв томонни роса суриштиришди. Ўқимаслигини, фақат ишлаётганлигини билгач, рад жавобини беришди. Чунки Нигора «Фақат ўқиганга тегаман» деб жавоб берган эди. Совчилар қайтиб келиб қисқагина қилиб «рози бўлишмади» дея қўя қолишди. Қани энди шунчаки рози бўлмаган бўлишса.

Нигора берган жавоб бари-бир Каримжоннинг қулоғига етиб келди. Каримжон бундай жавоб бўлади, деб сира ўйламаган эди. Шу бир оғиз сўз Каримжонни бутунлай маънавий эзиб қўйди. Шунинг учун ҳам тоби қочиб, бир ҳафта қолиб кетган экан.

Каримжон «Ўқимаганим билан ўқиган ёки ўқиётган йигитлардан қаерим кам! Ўқиганлар, ўқиётганлар одам-у, мен одам эмасми», деб ўйлар ва мендан «Шу тўғрими ака», деб сўрарди.

Каримжонга ётиғи билан бу турмушга нотўғри ёндошиш эканлигини тушунтирдим, тинчлантирдим.

Энди Каримжон ҳақида икки оғиз сўз.

Тўғри, Каримжон ҳозирча ўқимайди, лекин меҳнаткаш, хушмуомала, одобли, яхши бола. Ҳусни ҳам, қомати ҳам ўзига яраша. Заводда ишлайди (самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида), ўртоқлари орасида ҳурмати, обрўси бор. Катта-ю кичикка бир хил муомалада бўлади.

Ўтган йили Тошкент политехника институтига ҳужжатларини топширганди. Имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрди. Лекин иккинчи имтиҳондан ўта олмади. Бу йил эса тайёргарлиги ўтган йилдагидан зўр. Ажаб эмаски, омади келиб, талаба деган шарафли номга эга бўлса.

Нигора ўқиган йигитга турмушга чиқди ҳам дейлик. Агар ўша йигит ичадиган, чекадиган ва маънавий бузуқ бўлса-чи, ички дунёси гўзал бўлмаса-чи! (Бу билан барча ўқиган ёки ўқиётган йигитларни ёмон демоқчи эмасман). Наҳотки Нигора бахтни ҳусnда, амалда, бойликда деб билса! Энг аввало инсон хоҳ колхозчи, хоҳ олим бўлсин, аввало ички дунёси гўзал бўлиши керак-ку! Айрим қизларни ҳаётда бойликка, ҳуснга, амалга учиб бахтга эриша олмаётганлари учраб турибди-ку. Қисқаси мен ишонаман, Каримжон албатта ўқишга киради, кимнидир бахтли қилади. Лекин Нигора ўқиган йигитга турмушга чиқиб, бахтли бўла олармикин!

Б. МАМАНАЗАРОВ,
ёш мухбирлар дорилфунунининг тингловчиси.

«Нишона»



Азамат САФАРОВ
1971 йилда Хоразм вилоятининг Боғот ноҳиясида туғилган. ТошДД журналистика куллиётининг 3-курс талабаси.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

МУҲАББАТ

Кунларим измингда
  ўтаверади,
Киприкка тирагич тунлар
  ҳам.
Хаёлим қушлари
  кетаверади,
Қидириб бир ошиён
  руҳингдан.

Шунчалар сеҳрли дунёсан,
Руҳимни тарк этди
  вужудим.
Мен сени кашф этган
  чоғимдан
Ўзимнинг кимлигим
  унутдим.

Нечук остонамни
  ҳатладинг бу кун,
Нечук ёна қолди хотира —
  чироқ.
Сени қийнаб келган
  армонлар бутун,
Бугун қуним топди
  сендан-да йироқ.
Соғинч кўзларимга
  пардасин тортган,
Ҳижрон энди менга
  вафоли ҳамроҳ.
Умид япроқлари хазонга
  дўнган,
Ўша сен келмаган
  баҳорингдаёқ.

* * *

Кунларим ўтади бағри
  қонталаш,
Хазонлар ястаниб ётар
  боғимда.
Сабр ҳам, бардош ҳам
  ҳаммаси фалаж,
Қабристон ёнидан ўтар
  чоғимда.

Қабристон ёнидан ўтар
  чоғимда,
Вужудим титрайди,
  нигоҳлар савил,
Майли мен розийдим
  менинг боғимда
Ажалнинг ўзига қўйсалар
  қабр.



Жилғага тилагим:
Оролдек қуримасин
кенгайиб,
катталашиб,
мухлислар
орттираверсин.
Ёшларнинг
севимли
рўзномасига
айлансин!
ОБИД.

Халқимизнинг севимли қизиқчиси Обиджон Асомовни танимаган, унинг ижодидан баҳраманд бўлмаган кишининг ўзи йўқ. Саҳифамизга мактуб йўллаб, талабаларни янги ўқув йили билан табриклаётган Обиджонга ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. «Жилға»миз Обиджондек кичик бўлса ҳам, унинг кўлами Обиджоннинг ижодидек дарё бўлишини истаб қоламиз...





Расмлар муаллифи: С. ҲАМРОЕВ ва И. ЖИЯНОВ.

ДЕҲҚОН БОЛА ТУҒЁНИ

МЕН АДАБИЁТНИ севаман. Айниқса, шеър ўқишни. Китоб жавонимда талайгина китобларнинг йиғилиб қолгани ҳам бежиз эмас. Дўстларим менинг хаёлпараст эканимни билишади. Шеър ёзмасам ҳам мени шоир деб аташади. Баъзи пайтлари ўзимга билдирмай жавонга китоб қўшиб қўйишади-ю: «Китобинг кўпайиб қолибдими?», — деб ҳазиллашишарди. Ана шу китоблар, жавонда. Қалин-қалин китоблар. Ундаги мисралар эзгуликка, гўзалликка чорлагандай бўлади мени. Бу шеърларда ҳамма «ўйнайди», «пахтазорда куйлайди», гуллар, булбуллар ҳақида гап кетади. Уйга чўмаман... Ана шу шеърларни ўша манзара, гўзал табиат қўйнида таъсирланиб, яйраб ўқисам-чи дейман-у, сатрларда битилган табиат манзаралари — гулзор, ундаги булбулни излаб дала кезаман. Кечгача ахтараман... лекин топа олмайман. Хонамга келиб яна жавонимга қарайман. Қалин-қалин китоблар... Телба эмасман, лекин китобларга қараб гапира бошлайман: «Қани сиз куйлаётган гуллар? Наҳотки ёлғон сўйласангиз, наҳотки шу қалин китобларда ёлғонлар битилган. Эҳ, китоблар... шоирлар... Кейин муқоваси бир-биридан мустаҳкам китоблар ўртасида нозик жилдли, сиқилиб, тирбанд автобусда катта одамлар орасида қолиб йиғлаётган боладай жажжигина китобчага кўзим тушади. Ҳолсиз, ишончини йўқотган кишидай китобни эрмак учун қўлимга оламан. «Тун ташбеҳлари». Тўғри келган саҳифасини очаманда, ўқий бошлайман. «Бадиий ёлғон» экан сарлавҳаси. Кейин... бирдан... баданимда нимадир жимирлаб кетади. Саволимга жавоб топгандай бўламан:

Бугун ҳам шоирлар гулни
  булбулга
Қофия этсалар ишонманг:
  «ёлғон!»
«Нега, нега, нега ахир?»
нидо чиқади юрагимнинг тубидан.
Чунки бу элатда
  булбуллар ўлган
Чунки қуриб қолган
  гул аллақачон!»

Ҳайҳот! Дилимдаги оғриқ кучаяди. Нега йиғлайсан, юрак? Азоб тортса-да, юрагим ором олгандай бўлади. Йўқ, туюлмади, ором олди. Ахир, уни ўртаётган саволга жавоб топилди-да. Ҳақиқатни ёзибди-ку! Муаллифи ким экан, қани? Муҳаммад Солиҳ. Қаердадир ўқиган эдим. Ёдимга тушмаяпти.

Жажжи китобларда ҳақиқат борга ўхшайди, деган хаёл билан қалин-қалин китоблар орасидан яна бир миттисини топиб, ўқий бошлайман. «Ҳақиқатни айтсам...»

Ҳақиқатни айтсам,
Тўғрисини айтсам,
Хафа бўлмайсанми мендан?
Ўкириб йиғламайсанми ўзи,
Урмайсанми бошингни
  деворга —
Ҳақиқатни айтсам!...

«Айтгин, айтгин!» дейманда бу шеърни ким ёзганини, кимнинг китобчаси эканлигини билгим келади. Уни ёпиб муқовасидаги сўзларни ўқийман: «Шаффоф уй», муаллифи Муҳаммад С... эвоҳ! Яна сенсан-ку, шоир! Нега сенинг китобларинг бунчалар жажжи?! Нега?! Балки мени ўйлагандирсан. Далада юрганда, чўнтагига солиб, пахта юмушидан бир фурсат бўшаб чой ичаётганида ўқисин дегандирсан. Катта китоблар чўнтакка ҳам сиғмайди, унда ҳақиқат ҳам..., балки ундай эмасдир. Ҳали кўп ўқимаганман, айбга буюрмайсиз. Ҳаммасини ўқиш учун деҳқонда вақт қани?

Лекин, негадир сенга ишонгим келмайди. Наҳот сен ҳақсану, мана бу... китоблар ноҳақ бўлса, қайсар табиатим мени яна далага етаклайди. Балки боғлар бордир ҳали... лекин қани бобом яратиб кетган боғлар?! Роса изғийман дапама-дала. Ҳамма ёқда пахта. Боғдан эса... Ҳолдан тойиб уйга қайтаман. «Бадиий ёлғон»ингни охиригача ўқийман:

«Пахтани «олтин» деб
  «кимдир бўлса ҳақ,
Унга ҳам ишонманг,
  халқинг оёқҳа —
Чунки ҳақиқат ҳам
  ёлғондир мутлақ,
Агар қарши бўлса ҳақиқат
  халққа!»

Қолган шеърларинга ҳам бир-бир кўзимни югуртирганча хаёлларимни, билимимни ишга соламан. Биласанми, менда нимадир уйғонади...

Бошқа китобинг ҳам бордир деб яна қалин-қалин китоблар ичидан жажжи китоб излайман... Бошқа йўқ... Катта умидлар билан қишлоқ кутубхонаси томон еламан. Кутубхоначига сени номингни айтсам, аввалига ўйланиб елка қисди-ю, кейин: «Ҳах эсладим, — эски чопоним ва этигимга қараб, — у фалсафий ёзади, тушунмасангиз керак». «Унақамас, — қаршилик билдираман, — ўзингиз ўқиганмисиз?» «Йўқ, эшитганман, холос». Чўнтагимдан сенинг жажжи китобчангни олиб «Нуқтаи назар»дан тўрт қатор ўқиб бераман:

«Деҳқон идеалистга
  урмайди қарсак,
Материалистга ҳам бефарқ
  мутлақо
Қилаётган ишига қарасак,
Ўсиб келаётган марксист
  деҳқон».

Тушундингми дегандай савол нигоҳи билан қизга қарайман. У елка қисади. Жаҳлим чиқа бошлайди, давомини ўқий бошлайман:

«У олим
Ўз умрини хоҳлаган пайтда
Узайтира олар нақ икки
  ҳисса,
Яъни иш кунини саккиз
  соатдан
Етади ўн олти соатга чўзса».

Яна тушунмайди. Унга тикилиб қарайман. Ойдаккина, яқинда ўрта мактабни тугатган бўлса керак. Бундай қарашимдан беихтиёр, қизариб кетади. Балки тушуниб қолар деб «Ўртоқлик ҳазили»ни ўқиб бераман. Мендан нима истайсан, дегандай четга қарайди. Аниқроғи гапни англамайди. Фиғоним кўтарилади. Тўрт қаторини қайта ўқийман:

Чопиб раис келса кийиб
  ол эгнин,
Қор эмас пахтадир турган
  очилиб.
«Териш керак» деса бу
  бир ўзбекнинг
Ўзбекка ўртоқлик ҳазили.

Ер чизиб қолганини кўриб, унинг айбдор эмаслигини сезаман, жаҳлимни ичимга ютаман. Қизда не айб? Ахир мактабда бутунлай бошқа нарсани, бошқа шеърларни ўқитишганда. Ундан энди сенинг бошқа каттароқ китобингни топиб беришини сўрайман. Юзимга қараб, тезроқ, халос бўлиш мақсадида китобларни титкилаб кетади. Ҳаял ўтмай мендагидан ҳам жажжи китобча «Оқ кўйлаклар»ни узатади. Авайлаб чўнтагимга жойлайман. Таажжуб! Ҳой, шоир, сенинг катта китобингни сўраган эдим. Қўлимга аввалгисидан ҳам кичигини тутқазишди. Ташқарига чиқаман. Ҳамма ёқ пахтазор...

Хаёлимда «Шоирнинг севгилисига очиқ хати» шеъри қайтарилади. Ўзимча хиргойи қила бошлайман. «Айтгандай, қаёққа кетаяпман ўзи?» савол бераман ўзимга. Атрофга қарайман. Э-э, суйган ёрим ишлаётган далалар-ку. Ҳув ана, кўринаяпти аёлларнинг рўмоллари. Кеч пайти ҳам ишлашади-я? Қандайдир руҳий куч мени у томонларга етаклайди. Яқин борганимда у мени кўриб қолади. Уялиб ўзини пахта терганга солади. Мен эса сенинг шеърингни айтиб юбораман:

Мунисим пахтадан бошингни
  кўтар —
Кун ботди, келди бош
  кўтармоққа пайт!
Чўлни қуваверииб, ўзинг
  ҳам, дилбар,
Чўлга қувғин бўлдинг,
  етар, уйга қайт.

У менга ҳайрон тикилиб қарайди. Сўнг тилга киради:

— Нималар деяпсиз, ахир, пахтани ўз вақтида териб олмасак...

Деҳқон боланинг туйғуларини оққа кўчирувчи
Ҳалимжон САИДОВ.
ТошДД журналистика куллиёти IV-курс толиби.

«Жилға» таҳрир ҳайъати: Р. АЛИМОВ, ЖАҲОНГИР, Анвар ЭМИН, Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Мунажжим йўл кўрсатади

СУНБУЛА ЮЛДУЗЛАР ТУРКУМИ

(24 АВГУСТ — 23 СЕНТЯБРЬ)
ҲАҚҚОНИЙЛИК, ЕР БЕЛГИСИ.
АНИҚЛИК ВА МАНТИҚ.

Сунбула ойида туғилганлар эҳтиросга берилишмайди. Уларнинг фаолияти доимо онгнинг меваси билан бўлади. Улар ҳавасга берилишмайди. Ноаниқликни ёмон кўришади. Уларга сурбетлик хавф солади. Улар тиниқ ақл билан ўз атрофдагилардан ажралиб туришади. Шу даврда туғилганлар яхши ишчи бўлишади. Улар сиёсатга, иқтисодга ҳамма фанларга қобилиятлилар. Улардан ажойиб тарбиячи, коллекционер ва кутубхоначи чиқади. Қоида бўйича улар билимга чанқоқ бўлишади. Сочларига оқ тушгунча мутолаа қилишади, одамлар билан гаплашганда озгина эҳтирос етишмайди.

Улар тажрибага, таққослашга суянишади.

Тажрибакорлик ва соғлом фикр уларга ҳамкор, шерик топишга ёрдам беради.

Бу вақтда туғилган одамлар омадли бўлишади. Улар мулоқотда бўлаётган одамлари орасида ўткир тафаккурлари билан ажралиб туришади. Ҳаётга реал ёндошишади.

Улардан яхши адабий танқидчи чиқади. Бу даврда туғилганлар ажойиб хотирага эгалар, тез мутолаа қилишади. Кучсиз томонни тез илғаб олишади.

Улар атрофдаги одамлардаги уйғунликни фавқулодда севишади.

Уйда ва кийимларда дидга эга бўлишади. Хушбичим кийимларга доим эҳтиёж сезишади.

Ўзлари ақл билан бошлаган ишларини ниҳоясига етказа олишади.

Улар ҳаётда муваффақиятга эришадилар.

Бу даврда туғилганлар ўзларининг бардошлилари учун ҳам ишда яхши натижага эришишади.

Жаҳон санъати юлдузлари

Тина ТЁРНЕР:

«МЕН ФАҚАТ СУТ ВА ҚАҲВА ИЧАМАН...»

Рок санъатининг сўнмас шаҳват-бомбаси, «Дилрабо қора марварид», «Дискотекаларнинг мангу маликаси...» — чет эл ва совет матбуоти 50 ёшдан ошганига қарамай ўз латофатини йўқотмаган бу занжи хонандасини шу каби кўплаб сифатлашлар билан атайди. Уч-тўрт йил муқаддам Венада ёш австрияликлар унинг концертига тушган билетларни бир-бирларининг қўлларидан юлиб олишгача бориб етдилар. Хонанданинг яқинда Стокгольмда бўлиб ўтган гастроллари мисли кўрилмаган муваффақият билан ўтди. У миллионлаб пластинкалар чиқазиб мавжуд барча хит-парадлар ғолиби бўлди. Ўзи эса ҳамон ўн, йигирма, ўттиз йил илгаригидек навқирон ва замонавий. Бунинг сири нимада? Унинг шубҳасиз ғаройиб табиий иқтидори асосида нималар ётади?

— 50 ёшдан ошганингизга қарамай, бунга одамнинг ишонгиси келмайди. Навқирон қиздек бўлмаса-да, ҳар ҳолда жуда ёш аёлдексиз. Бунга қандай эришяпсиз!

— Хушомадингиз учун раҳмат. Бироқ ростини айтганда мен бу масалада сира ўйлаб кўрмаганман. Шунчаки, бир умр меҳнат қилдим. Ишлашда давом этяпман. Саҳнага чиққанимга 28 йил бўлди. Ҳамма вақт қўшиқ айтаман, рақсга тушаман ва ўзимни аямай терга ботаман. Сирларим шулар, холос.

Ўз ишингни севишинг, унга меҳр қўйишинг лозим. Шунда барчаси жойида бўлади.

— Сиз алоҳида ўзига хос машқлар билан шуғулланмайсизми!

— Фақат баъзан холос... Масалан, пластинка, альбом, муқоваси учун суратга олишаётганда. Бундай кезлари мен одатдаги тартибимни бир неча кунга бироз ўзгартираман. Камроқ ишлайман. Гимнастика билан шуғулланаман. Аммо гастроль сафарларим пайтида ҳеч қанақанги гимнастика билан машғул бўлмайман. Бунга вақт ҳам йўқ.

— Чекасизми, ичиб турасизми!

— Чекмайман ва ҳеч қачон чекмаганман. Ўн йиллар муқаддам ўткир ичимликларни истеъмол қилишни кескин камайтирдим. Умуман мен азалдан соғлом турмуш тарзи тарафдориман. Ухлашни севаман(бу қувватни яхши тиклайди), сут ва қаҳва ичаман. Балки сизга қизиқ туюлар, аммо бу бор гап.

— 1987 йилда омма билан хайр-хўшлашиб кетганингизга қарамай, сиз яна катта саҳнага чиқдингиз. Бунга сабаб нима!

— «Янги» номли диским чекига кутилмаганда катта омад тушди. Бу менинг дунёқарашимда ҳамда ҳаётимда кескин ўзгаришлар ясади. Шу сабабли яна саҳнага қайтдим. Яна ўзимда шунга қудрат сездим. Бироқ, аминманки, бошқа бирон марта жаҳон бўйлаб концертлар ижро этолмайман. Афтидан, яқинда бира тўла ижрочилик фаолиятимни ниҳоясига етказсам керак. Ҳеч ким (шу жумладан сиз ҳам) мен, айтайлик, 70 ёшда бўлсам, концертларимга бормаслигини аён-ку! Тушунинг: менинг ҳолатим бошқа ижрочиларникидан кескин фарқ қиладиган ўзига хос ҳолат. Мана, айтайлик, Диана Росс. Албатта, унга анча осон. Зеро, у фақат куйлайди, холос. Мен эса ҳам қўшиқ айтаман, ҳам рақсга тушаман, ҳам сакрайман. Хуллас, худо билади нималар қилмайман. Томошабинлар бунга кўникиб қолишди. Наҳотки, мен уларнинг ҳафсаласини пир қилсам! Онамнинг ёшида бўла туриб шоу-бизнес билан шуғулланиш, тўғрисини айтсам, ўзимга ҳам унча маъқул кўринмайди. 70 ёшли кампирнинг рақсга тушиб, сакраб куйлаётганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Йўқ-йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. 50 ёшдан бошлаб тана бўшашиб, бузилиб боради...

— Наҳотки сиз буни ҳозирдан ҳис қилаётган бўлсангиз!

— Худога шукрки, ҳали ҳис қилганимча йўқ. Бироқ биламанки, бу ғамгин ҳиссиёт менда ҳам зоҳир бўлади.

— Унда нима билан машғул бўласиз!

— Дам олишни, узоқ давом этган артистлик фаолиятим давомида орттирган анчагина пулимдан ниҳоят фойдаланишни истайман. Мен саёҳатлардан, бегона мебеллар орасида меҳмонхоналарда яшашдан жуда чарчадим. Сукунатни, ёлғизликни кўнглим тусаяпти. Рости гап, ўз-ўзим билан кўпроқ якка қолишни истаяпман.

— Ҳозир қаерда яшаяпсиз!

— Мана бир йилдан ошаптики, Буюк Британияда, Лондонда яшаяпман. Бироқ Германияда, Кёльнда ҳам уйим бор. Вақти билан Франциянинг бирор бир жанубида қўним топишни ҳам орзу қиламан.

— Қўшма Штатлар энди сизга ёқмаяптими!

— Ундай эмас. Мен ҳамон Қўшма Штатларни қаттиқ севаман. Аммо сўнгги пайтларда менга барибир Европа гўзалроқдек туюлаяпти. Ишонинг — бу талтайиб кетган «юлдуз»нинг тантиқлиги эмас. Шунчаки мен кўпдан буён Европада яшашни орзу қилардим. Ниҳоят ниятимга етдим.

— Афтидан, ҳаётингиз илгаригидан анча бошқача кечаётган бўлса керак!

— Бошқача. Бахтлироқ. Умуман қанчалик ғайри табиий туюлмасин, мен учун етуклик йилларим, ёшлик чоғларимдан ёқимлироқ кечмоқда.

Биласизми, илгариги шахсий ҳаётим жуда бахтсиз ўтган. Собиқ эрим доимо мени хўрлар, эзар, даҳшатли хусусиятларга мойил эди... Сабабли-сабабсиз тўппончадан ўқ ёғдириб қолар, гиёҳсиз бирон кун яшолмасди.

Узоқ тоқат қилиб (Айк билан 1973 йилдан буён 16 йил бирга яшадик), унга мослашишга уриндим. Умуман онгимда саботли, унча-мунча нарсага дош берадиган характердаман. Ўзим ҳақимда эмас, аввало болаларимни ўйлаб никоҳимиз бекор бўлмаслигига кўп уриндим... Айкка раҳмим келарди. Артистлик фаолиятимнинг ибтидосида менга катта саҳнага чиқишга кўмак берганини унутолмасдим. Унга ёрдам бермоқчийдим. Аммо бир куни эрим сигаретни юзимга босиб ўчирмоқчи бўлишгача бориб етгач, бунга тоқат қилолмадим. Уйдан кетдим. Ҳозир тугал бахтлиман. Ҳар ҳолда ишларим анча-мунча яхши.

— Ҳозир сиз ўзингиздан ўн етти ёш кичик ғарбий германиялик продюссер билан яшаяпсиз. Севги сизни ёшартирган бўлса керак!

— Мен ҳеч қачон қайсидир киши учун махсус ёшаришга интилган эмасман. Шунчаки доимо рисоладагидек бўлишни истадим. Энг аввало ўз-ўзим учун! Бироқ муҳаббатнинг куч бахш этиши, кишига латофат бағишлаши рост.

— Ҳозир биринчи даражадаги «юлдуз»ларни шахсий қўриқчиси (қўриқчилари) бор. Сизнинг ҳам қўриқчиларингиз мавжудми!

— Ҳеч қандай қўриқчиларим йўқ. Уларсиз кун кечирдим ва бундан буён ҳам бемалол кун кечира оламан. Мен одамларни севаман. Улар ҳам мени яхши кўришади. Ғўргина ўсмирлару, оқсоч қариялар ҳам... Хўш, мен кимдан ҳимояланишим керак?!

— Сиз ҳамон будда динига сиғинасизми!

— Ҳа, диний хизматларга анчагина кўп вақт сарфлайман. Буддизм фалсафаси менга кўп сабабларга кўра маъқул келади. Хусусан, у дунёдаги мавжуд нарсалар учун бошқа ҳеч ким эмас, фақат мен масъул, деган ҳақиқатни аниқ англатади. Бу маънавий жиҳатдан яхши томонга ривожланишим, ўз-ўзимни камол топтиришга интилишимга имкон яратади.

— Тина, сиз яқинда катта саҳнани тарк этишингиз, дунё бўйлаб гастроль сафарларига чиқмаслигингизни айтиб ўтдингиз. Аммо сиз жуда иқлодий, ғайратли инсонсиз. Уз бадиий қувватингизни нималарга сарф этасиз!

— Вақти келиб кинода суратга тушишни хоҳлардим. Бошланишида балки оддий ролларда, сўнгра мураккабларида ҳам.

Албатта. Ўзимнинг анчайин узоқ ҳаётим ҳақида китоб ёзишни орзу қиламан. Одамларга бир-бирларини камситмай, яхшилик билан тинчтотув яшашга қандай ўрганиш мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилмоқчиман... Дастлабки тахминларга кўра китоб соддагина «Мен, Тина» деб номланади. Менинг бошдан кечирганларимни бутун дунёда катта қизиқиш билан ўқишларига шубҳам йўқ. Чунки мен ўзим ҳақимда бор ҳақиқатни ёзаман. Омма менинг шахсий ҳаётим ҳақида ҳали бирор журналистга айтмаган тафсилотларни билиб олади.

Е. СТЕПАНОВ тайёрлаган.
(«Семья» журналидан А. КАРИМ таржимаси).



СУРАТДА: рок юлдузи Тина Тёрнер.

СИТА суратхроникаси.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Не учун мажнунтол пойига келдинг,
Ҳижронми, соғинчга маъюс чўкдинг тиз.
Сувлар дилингдаги тафтни олармиги,
Мажнунтол тагида хаёл сурган қиз?

Ж. БОБОРАҲМАТ сурати.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

ЎЗГА САЙЁРА БИЛАН АЛОҚА

Қаҳрамонимиз Қува шаҳридаги «Саломатлик» ширкати раиси Санджон Тошпўлатов. У ўзга сайёраликлар билан гаплашади.

— Ўшанда 7 ёшда эдим, мени улар ўз сайёраларига олиб кетишди. Ўзга сайёраликлар менга мия орқали гаплашишни ўргатдилар. Айримлари қўлларидаги махсус аппарат ёрдамида ҳамма тилда гаплаша оладилар. Яна бир муҳим гап ўзга сайёралардан жуда кўп фойдаланишади. Улар мени 18 кун деганда қайтариб келишган, — давом этади Санджон. — Шундан сўнг менда бошқа характерлар пайдо бўлди. Эсимда бирон магазинга кирсам мендан пул сўрашмасди. Хоҳлаган нарсаларимни олиб чиқиб кетаверардим.

Санджоннинг айтишича бу 15-планета деб номланадиган планета.

— Ўтган йили 15-планетадан 7-планеталиклар молхонамизни ёндиришларини саккиз кун олдин менга хабар беришди. Уйдагиларга айтдим. Лекин улар гапимга ишонишмади. Саккизинчи куни кучли ёмғир ёғиб, бирдан молхонага чақмоқ тушди. Бу 7-планеталиклар иши эди. 8 та қорамол ҳаммаси ёнди.

Учар ликопчалар ҳақида. Улар катта «кема» шаклида келишиб, ерга қўнгач ликопчасимон бўлакларга бўлиниб уча бошлашади. Кўпинча улар магнитли тоғларга қўнишади.

15-планета ҳақида асосий маълумот. Улар бизга қалин дўст. Жонкуяримиз. Жуда ҳам узоқ масофада туришади. Мақсадлари Ер атмосферасини тозалаш, инсонларни тўғри йўлга солиш, ҳаётимизни фаровонлаштиришдир. Бизга кўп нарсаларни ўргатишлари мумкин. Аммо ҳозирги пайтда бунинг иложи йўқ. Улар бизга скафандрларда келиб, Ерда узоқ яшолмайдилар. Айримлари эса очиқ келишади, қисқа вақтга холос. Ердаги сирлар уларга аён. Биз билан алоқалари кўпайиб бормоқда. Масалан, Оролни қутқариш бўйича қуйидаги таклифларни хабар қилдилар. Оролнинг ўртасидан 3500 метр баландликда тўсиқ қилиш керак. Шунда булутлар тўсиқ Орол устида тўхтовсиз ёмғир ёғади ва тўлади.

— Ҳозирги пайтда мен улар билан ҳафтада уч марта гаплашиб тураман. Уз сигналларини соат 24.00 дан 04 гача юбормоқдалар. 7-планета ҳақида. Бу сайёрадагилар ниҳоятда халқимизни қириб ташлаб, Ерда ўзлари ҳокимлик қилишни исташади. Энди бўлаётган уруш-жанжаллар ўшаларнинг иши. Ердан ҳар йили мингдан зиёд одам олиб кетишади. Қайта «ушлаб» олинган одамлар эмас, балки бошқа ёрдамга ташлайдилар. Тушган одамлар ўшаларнинг буйруғи билан иш кўрадилар. Тинч аҳоли ўртасида низо уйғотади, бир-бирларига гиж-гижлайдилар. Уранликларнинг ҳам техникаси ўта ривожланган. Афти-башаралари жуда хунук, бўйлари биздан паст. Ўз нурлари билан Ер юзини, сувни заҳарлашмоқда. Ҳатто СПИД касаллиги ҳам ўшаларнинг иши.

Суҳбатимиз сўнггида Санджондан сирли қобилиятлардан кўрсатиб беришларини илтимос қилдик. Санджон қўлларини сирли ҳаракатга келтирди ҳамки, олдида ўтирган йигитнинг кўзлари юмилиб қолди. Ўзи бўлса хонанинг чироғини ўчириб, оҳиста йўлакка чиқиб кетди. Хонада қолган бояги йигит чунонам ҳаракатлар қилдики, асти қўяверасиз. Охири у йўлак томон шошиб қолди ва кўзларини юмганча хонадан чиқиб кетди. Кейин билсак, Санджон йўлакдан фикримни топ, деб буюрибди. Санджонни топгандан кейин унинг кўзлари очилди. Йигитдан нималар сездингиз, деб сўрадик.

— Ўзимни яхши ҳис этиб турдим. Аммо буйруққа қанчалик бўйсунмайман дейману, қандайдир куч ҳар хил ҳаракатлар қилишимга мажбур қилиб қўйди.

Ҳа, кейинги пайтларда бундай ноёб истеъдод эгалари кўпайиб қолди. Ўйлаймизки, уларнинг қобилияти яхшиликка хизмат қилади.

С. ҲУСАНОВ.

Наманган вилояти, Чуст ноҳиясидаги Олмос қишлоғи.

«Обуна—91»

САБР-ТОҚАТ БАҲОСИ

Мана, қўлимда 1991 йилда чоп этиладиган рўзнома ва жаридаларнинг тўла рўйхати турибди. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳар йили обуна мавсуми бошланишидан анча барвақт қўлга тегадиган бу рўйхатга янги йил учун матбуот нашрларига ёзилиш арафасида эга бўлдик. Бундай кечикишнинг боиси бор, албатта. Яна гап бу йилги обуна нашрларининг баҳоси ўтган йиллардагидан тубдан фарқ қилишига бориб тақалади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан келаси йилдан бошлаб барча рўзнома ва ойномаларнинг харид нархи икки-уч баравар ошганлиги аниқ бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССР Давлат матбуот қўмитаси ва жумҳурият Алоқа вазирлиги томонидан тарқатилган янги рўйхатда ёшлар матбуотига обуна бўлиш нархи ҳам ўтган йиллардагидан тубдан фарқ қилиши кўрсатилган. Жумладан, **«Ёш ленинчи» ҳафтасига 4 марта чоп этилиб, унинг бир нусхаси 6 тийин турган ҳолда йиллик обунаси эса 12 сўм** қилиб белгиланди. Шунингдек, **«Комсомолец Узбекистана» уч марта чоп этилиб, йиллик баҳоси 9 сўм 60 тийин, «Ленин учқуни» ва «Пионер Востока» рўзномаларининг ҳар бир нусхаси 3 тийин ва йиллик нархи 2 сўму 88 тийин** туради. Энди ёшлар ва мактаб ўқувчилари учун мўлжаллаб чоп этиладиган жаридаларга келсак шуни айтиш керакки, келаси йилдан бошлаб **«Гулхан»нинг бир нусхаси 30 тийин бўлиб, йиллиги 3 сўм 60 тийин, «Ғунча»ники 20 тийин бўлиб, йилига 2 сўм 40 тийин, «Ёшлик» — 80 тийин, йиллиги 9 сўм 60 тийин, «Ёш куч» — 55 тийин, йиллиги 6 сўм 60 тийин, «Сирли олам» — 70 тийин, йиллиги 8 сўм 40 тийиндир.** Яна бир янгилик: агарда жумҳуриятдан ташқарида яшаб айрим нашрларга обуна бўлинса, рўзномаларнинг ҳар бир нусхаси учун 5-6 тийин, жаридалар учун эса 12-15 тийин қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилган.

Ўз-ўзидан Бутуниттифоқ рўзнома ва жаридаларнинг обуна нархлари ҳам кескин ошди. Жумладан, **«Комсомольская правда»нинг бир нусхаси 10 тийин бўлиб, йиллиги 13 сўм 80 тийиндир. «Пионерская правда» рўзномасининг бир нусхаси 3 тийин, йиллиги 4 сўм 68 тийин, «Весёлые картинки» — 30 тийин, йиллиги 3 сўм 60 тийин, «Вожатий» —70 тийин, йиллиги 8 сўм 40 тийин, «Костёр» — 60 тийин, йиллиги 7 сўм 20 тийин, «Молодая гвардия» — 1 сўм 25 тийин, йиллиги 15 сўм, «Мурзилка» — 30 тийин, йиллиги 3 сўм 60 тийин, «Ровестник» — 50 тийин, йиллиги 6 сўм, «Сельская молодёжь» — 65 тийин, йиллиги 7 сўм 80 тийин, «Юний натуралист» — 45 тийин, йиллиги 5 сўм 40 тийин, «Юний техник» — 50 тийин, йиллиги 6 сўм** этиб белгиланди.

1991 йилда чоп этиладиган матбуот нашрларининг янги, биз орзиқиб кутган баҳоси ана шундай. Хўш, улар сизни қониқтирадими? Тўғри, обуна баҳолари сиз кутгандан бир мунча юқори бўлиши мумкин. Демак, янги йил учун танлаб обуна бўлиш вақти келди. Барча истаган нашрларга ёзилишни чўнтагингиз кўтармаслиги турган гап. Фақат ўзингиз хуш кўрадиган ва доимий олиш истаги бўлган рўзнома ҳамда жаридаларга обуна бўлиш учун яна бир имконият яратилди.

Бугун жумҳуриятимиздаги барча алоқа бўлимларида янги матбуот нашрлари учун обуна оммавий бошланади. Зеро, оммавий дейишга одам чўчийди. Кошкийди, ўтган йиллардагидек айрим нашрларга ёзилиш учун бир неча кунлаб навбатга туриш бу йил ҳам қайтарилса... Рости, ундай бўлишга кўзимиз етмайди. Тан оладиган бўлсак, шуни айтиш керакки, биз муштарийларимиз сонининг кўпайишини сабр-тоқат билан кутамиз. Ўз навбатида «Ёш ленинчи»ни янги йилдан бошлаб янада ўқимишли, ҳозиржавоб ҳолда унинг ўқувчилари қўлига етиб бориши учун билим ва кучимизни аямасликка ҳаракат қиламиз.

ТВ

2 СЕНТЯБРЬ — ЯКШАНБА

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 «Тенгиз усули». Телефильм. 10.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар» (такрор.). 11.20 «Қишлоқ стадионида». 11.50 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм (СССР — Финляндия). 13.25 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув. 14.25 «Чорраҳа». Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммолари. 15.05 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).

* * *

18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Арқон». Мультфильм. 18.20 «Салом, мактаб жонажон!». Болалар учун концерт. 18.50 Бухоро халқ революциясининг 70 йиллиги. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Санъат усталари». ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Санъат усталари». (давоми). 21.50 «Ўзбекистоннинг оддий иш кунлари». Телефильм. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Тош йўлдаги уч кичи». Бадиий фильм («Мосфильм») 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Яхши дегани нима». 10.55 «Гулла-яшна, қадрдон ўлкам». Фильм-концерт. 12.00 «Мери Поппинс, хайр!». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (рус тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Этик». Телевизион бадиий фильм (рус тилида). 19.30 «Раҳмат, фестиваль». Ҳужжатли фильм. 19.50 — «Сано — Душанбе — биродарлашган шаҳарлар». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Гулчин». Концерт. 22.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув. 22.30 Телевизион спектакллардан парчалар. 23.30 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 «Здоровье». 12.45 «Педагогика ҳамма учун». Телетомошабинларнинг саволларига халқ маорифи бўйича СССР Давлат қўмитасининг раиси Г. А. Ягодин жавоб беради. 13.45 «Ғаройиб кит боласи». Мультфильм. 13.55 «Конькидаги хўроз». Фильм-концерт («Экран»). 14.45 «Янгра, Урал гармони». Челябинскдан кўрсатилади. 15.15 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Уйқу сотувчи». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 «Ким аслида ўзи ким». «Сиёсий мулоқотлар» туркумидан. 18.00 «Москва —Сиэтл». Мусиқий лавҳа. 18.20 «Ўсимликлар саргузаштлари». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 12, 13-қисмлар. 19.10 «Эски уй». Телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Оддийлик ва мангулик ҳақида». 21.15 «А» программаси.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д — 235514.